



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 7-noyabr • № 45 (3977)

Вячеслав ЗАЙЦЕВ:

## ЎЗБЕКИСТОНГА МЕХРИМ ТУШДИ

Мода санъатининг таникли намоёнаси, Россия халқ рассоми, Москва "Модалар уйи"нинг директори Вячеслав Зайцев шу йил октябр ойида мамлакатимизга иккинчи марта келди. Ёш моделер ва дизайнерларнинг "Подийум — 2008" халқаро конкурсида қатнашиб, ёш истеъдод эгаларининг маҳоратини баҳолашда фаол иштирок этди. Куйида машҳур либос устасининг юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан танишасиз:

— Ўзбек халқининг қадим ва бетакрор маданияти, Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгли мени ҳамisha хайратга солиб келади. Беқасам, хонатлас каби жилоси кўзни оладиган матоларга қойил қолмай иложингиз йўқ. Шу боис, гарчи ўтган йили Тошкентга келиб кетган бўлсам-да, бу йилги тақлифга ҳам рози бўлдим.

Жанубий Россия иқтисодиёт ва сервис университети ёш дизайнер ва модельерларнинг халқаро конкурсини ўзинчи бор ўтказмоқда. Бу галги танловнинг Тошкентда ўтказилиши ҳам беҳиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон "Буюк ипак йўли" савдо йўналишлари ўзаро туташадиган марказлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ушбу йил мамлакатингизда "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги ҳам бизнинг бу қароримизга туртки берди. Чунки, ушбу конкурсдан кўзда тутилган асосий мақсад — ёш истеъдод эгаларига ўз маҳоратларини оширишга қўмақлаштишдан иборат.

Конкурс "Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми" жамғармасининг фаол қўмағида ўтказилди. Ушбу жамғарма ўз

фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда мода санъатини, замонавий санъат турларини миллий-маданий мерос билан уйғун ҳолда ривожлантиришга, халқнинг қадим анъаналарини асраб-авайлашга, бу ердаги бой маданий меросдан жаҳон жамоатчилигини бохабар қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жамғарма, шунингдек, Ўзбекистонликларни жаҳон маданияти ва санъатидаги илгор тенденциялар билан таништириш борасида ҳам эътиборга молик ишларни амалга оширмоқда.

"Подийум — 2008" танлови тадбирлари доирасида мен маҳорат сабоқларини ўтказдим, шу ерда ўзимнинг янги коллекциямини намойиш этдим. Кейинги йили гўзал Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонланар экан. Шу кўтулгусанга бағишлаб, хонатлас ва беқасам матолари асосида янги миллий коллекция тайёрламоқчиман. Бундан ташқари, Модалар театримизнинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига гастролларини ҳам режалаштириб қўйдик.

Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон, бу ерда истиқомат қилаётган гўзал қалбли одамларга ҳамisha таъзимдаман.



## ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ...

Никоҳ оқшоми... Бу кеча шунчаки базму-жамшид кечаси эмас, орзу-хаваслар суварати, умидлар сийрати, қувончлар рамзи хамдир. Келинлик либосида турган қиз қалби ҳаяжон, ҳадиқ билан тўла бу оқшом. Кимгадир ширин хотира, кимгадир армон, кимгадир эса бахт бу никоҳ оқшоми.

Яқинда бир никоҳ тўйига бордим. Чиройли безатилган тўй оқшомида оппоқ либосда маликалардек ороланган келин давра кўрмига кўрк қўшиб турибди. Меҳмонлар келин-куёвга тилаклар айтиб, уларни қўлаш билан банд. Бирдан... келиннинг ёнидаги янганга кўзим тушди. Уни яқиндан танирдим. Турмуш қурганига ҳали бир йил ҳам тўлмасдан ота уйига қайтиб келган аёл. Кўнглим бироз хира

тортиди. Нега айнан шу аёл келин янган бўлди экан-а, деган савол туғилди?


Бувиларимиздан эшитишимизча, қадимда оқила, фозила, ҳар томонлама ёш оилага ўрнак бўладиган ва, албатта, фарзанд кўриб уларни яхши тарбиялаган аёллар келин янгалikka танланган экан. Уларнинг ибратли ҳаёти шу янги оилада такрорланиши, яъни бу оила ҳам шу аёлнинг гўзал оиласига ўхшашини ният қилганлар.

Янганнинг ўқувсизлиги дарров билинди. Келин ўзини яхши тутмай, ҳар ёққа аланглаб, кимларнидир ёнига чорлаб, аланмаларни ўқдиради, кулар эди. Келин янган бундай пайтда ёш келинга йўл-йўриқ кўрсатиб туриши лозим эмасми? Лозим, албатта. Аммо бунинг учун унинг ўзи...

Бир кўшнимиз келинлигида турмуш ўртоғи вафот этиб, ёлғиз бўлиб қолганди. Никоҳ тўйларига деярли бормас, борса ҳам келин-куёвга ҳатто қич қелишдан ҳам ўзини тортарди. Уларнинг тақдирини менинг тақдиримга ўхшамасин дея бундай маросимлардан четда бўларди. Келин янган, қувв жура турмуш қураётган ёшлар ёнида шунчаки ўтириш учун танланмайдими. Бу вазифанинг ҳам ўзинга яраша масъулияти бор.

Гўзал САТТОВА

Тошкент — 2200



## ТОШКЕНТ

Она Шарқ гўзали, маликаси — сен, Осиё буйида бебаҳо гавҳар. Ҳаётим қафтинга келдинг авайлаб, Бахтим бешигига айланган шаҳар!

Истиқдол онаси, муқаддас Тошкент, Қалбимда уйғонган муҳаббат Тошкент!

Сўнги таомини меҳмонга тутган, Она деб келгани олган бағрига. Озор буқолмаган, донишманд туғиб Дунёни чўмдирган ҳикмат баҳрига.

Нон билан гул ҳиди омухтам Тошкент, Фақат эзуликка ошуфтам Тошкент!

Асрлар қарийди, сен эса мангу Яшариб борсан тўлиб чиройга. Кўёшни меҳринга этман қиёс, Хуснини самода тўлишган ойга.

Ватан қононаси мунаввар Тошкент, Тарих сарҳадида музаффар Тошкент!

Сени соғинаман бир дам фироқда, Сийратинг кўнглимга беради сайқал. Мен дунё кездими сенга мафтунман, Миллатим қалбига қўйилган ҳайкал!

Мангу қарвонларга сарбоним Тошкент, Келажак уфқида нарвоним Тошкент!

## МЕХРГА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

Адабиёт мухлисларига яхши маълумки, яқинда атоқли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг 80 йиллиги адабий жамоатчилиқ, китобхонлар томонидан кенг нишонланди. Шу муносабат билан сеvimли адибимиз Пиримқул Қодировни муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов табриқлади.

Ёзувчининг таваллуд айёми бутун адабиёт аҳлининг катта байрамига айланади кетди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти шу санага бағишлаб "Меҳрга йўғрилган ижод" (Пиримқул Қодиров ижоди адиблар ва мунаққидлар талқинида) деб номланган китобни нашрдан чиқарди. Мазкур китоб Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Шоирона қалб эгаси" сарлавҳали сўзбоши билан очилади. "Пиримқул Қодиров сиймосида, менимча, унга муҳим жиҳат муқаммал равишда мужассам бўлган. Булар: юксак ёзувчилик иқтидори, теран олимлик салоҳияти ва ниҳоят, энг муҳими, инсоний фазилятларидир, — деб ёзади сеvimли шоиримиз. — У кишининг ним жилмайишида, ўйчан кўзларида шоирона ҳаёл, теран ўй жилваланиб туради. Утган асрнинг 60-йилларида ҳали Чўлпон номи тилга олиниши мумкин бўлмаган кезларда Озод Шарофидинов, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов ва улар даврасида мен ҳам теварак-атрофдан ҳадиқсираб Охангарон қирлирига чиқиб кетардик. Фусункор табиат кўйида бироз ором олиб,



Мехрга йўғрилган ижод

дала-дашларда Чўлпон шеърларини ўқир эдик. Уша даврамизда Пиримқул ака Чўлпон шеърларини алоҳида эхтиром ва ҳаяжон билан ёдаки айтиб, ҳаммамизни лол қолдирарди. Шул боис бўлса керак, Пиримқул Қодиров асарларида поэтик руҳ ниҳоятда кучли". Таникли адабиётшунос олимлар Озод Шарофидиновнинг "Улғайиш", Матёқуб Қўшоновнинг "Баҳсларда улғайган ижод", Умарали Норматовнинг "Тарих ҳақиқати га сароқат" ҳамда бошқа адибу мунаққидларнинг китобдан жой олган кўплаб тадқиқотлари, эътироф ва дил сўзларида ҳам адиб ижодининг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Матёқуб Қўшонов тадқиқотида Пиримқул Қодиров Абдулла Қодиров ва Ойбек ижодий мактабининг муносиб давомчиси сифатида эътироф этилган. "Мирзо Бобур ва унинг авлодлари ҳақида-

ги романларни аввал ички армон билан ўқиган китобхонлар ҳозир мустикалликимиз шарофати билан тарихий ҳақиқат тикланганидан ҳар қанча қувонсалар арзийди", деб ёзади Умарали Норматов Пиримқул Қодировнинг Мирзо Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий романлари тадқиқига бағишланган мақолада.

"Меҳрга йўғрилган ижод" китобига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг "Довон ошган адиб", Леонид Терокопьянин "Два крыла творчества", тарихшунос В. Витковичнинг "Царь и поэт", Акмал Саидовнинг "Амир Темура мавзуси уммондай чексиз" каби мақола ва дил сўзлари ҳам киритилган. Китобдан Пиримқул Қодировнинг "Таржимаи ҳол лавҳалари", "Ҳаётдан нимани изладим нима топдим?", "Зулфия опанинг меҳригиёси", "Асарларимни меҳр билан ёзаман" сингари қайд ва суҳбатлари, шунингдек, Пиримқул Қодиров ҳаёти ва ижодининг асосий саналарига доир библиографик кўрсаткичлар ҳам ўрин олган.

Таникли адибимиз Ўткир Хошимов ушбу китобдаги дил изҳорида ёзганидек: "Атоқли адиб, теран билимли олим, жамоат арбоби Пиримқул Қодиров ўзбек адабиёти равнақида саломли хисса қўшган ёзувчидир. Унинг асарлари ҳам, ўзи ҳам бир-биридан баланд доvonлардан ўтди ва бундан кейин ҳам ўтаверди". Адабиётимиз илҳосмандлари, тадқиқотчилар ва талабаларга мўлжалланган ушбу китобни филология фанлари доктори, профессор Хамидулла Болтабоев тўплаб, нашрга тайёрлаган. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Абдуғафур Расулов.

## Янги фильм тақдимоти

Ривоятлардан бирида бир-бирларига ўта меҳрибон ака-укалар ҳақида ҳикоя қилинади. Улар оталаридан қолган ерга буғдой экишади. Кузда ўриб, ҳосилини бир жойга тўплашди ва иккаллари тенг бўлиб олишади. Шундан кейин, муродлари ҳосил бўлиб, уйкуга ётишади.

Ярим тунда аканинг уйкуси қочади. "Укам анча ёш, рўзор тебратишда қийналиб қолиши мумкин", дея ўз улушидан ярим қоп буғдойни укасининг хирмонига қўшиб қўяди.

Тонгга яқин уканинг ҳам уйкуси қочади. "Акамнинг болалари кўп, буғдойни тенг бўлиб олсам, инсофдан бўлмас", дея ярим қоп буғдойни аканининг хирмонига қўшиб қўяди...

Бу энди бир ривоят, аммо ҳақиқатга йўғрилган ривоят. Ҳаётда, ён-атрофларимизда шундай меҳрибон, оқибатли ака-укаларни, опа-сингилларни кўлаб учратиш мумкин. Оталаридан яхши тарбия олган бундай фарзандлар тақдирнинг ногаҳоний зарбаларига дуч келганларида ҳам бамас-

## КЎНГИЛГА ДАРЗ ЕТМАСИН

лаҳат иш кўриб, уни осонликча енгиб ўтадилар. Аммо... Гоҳи-гоҳида бир-бирларига ўта меҳрибон кишиларнинг ҳам ўртасига шайтон оралайди. Бойлик орттиришга ружу қилиш, меросга эга бўлиш хисси ақли-хушли, зиёли одамларни ҳам йўлдан оздиради. Натijaда бир ота-онадан туғилган фарзандлар бир-бирларига қарши оёққа турадилар.

"Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмасига биноан республика Ички ишлар вазирлиги бош тахририяти қошидаги "Қалқон" студиясида суратга олинган янги "Иблис девори" фильмида (сценарий муаллифи Аюб Шарофидинов) айни шу ҳақда гап боради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асари асосида яратилган ушбу картина томоша қилар экансиз, аввало, айни шундай воқеаларга ҳаётда кўплаб дуч келганингизни эслайсиз, сўнг... бугун, бозор муносабатлари шароитида ҳушёрроқ, сезгирроқ бўлмасангиз, бу кўргилик сизнинг ҳам эшигингиздан мўралаб қолиши мумкинлиги ҳаёлингиздан ўтади.

Филмнинг Алишер Навоий номидаги Санъат саройида бўлиб ўтган дастлабки намойишида томошабин аёллардан бири "Худди шундай воқеа бизнинг маҳаллада бўлиб ўтган", деганиди, ёнидаги ҳамроҳи унинг сўзини шартта бўлди: "Вой, нималар деяпсиз, бизнинг маҳаллада бўлган-ку, дуппа-дурст оиланинг болалари бир қарич ер деб роса кирпичок бўлишган..." деди.

Иқтидорли актёримиз, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев бу гал томошабин кўз ўнгига постановкачи-режиссёр сифатида намоён бўлди. Карим Мирходиев, Илмира Раҳимжонова, Улугбек Музаффаров ва бошқаларнинг ижроларини кўриб, кино мухлисларидан бири "Ҳа, чумчуқ сўйса ҳам қасос сўйсин-да", деди хурсандлигидан. Бу фикрга қўлчилик қўшилди. Илмира Раҳимжонова бозорчи аёл образини шу қадар таъсирчан талқин этганки, истеъдодли актрисамизнинг маҳорати филмдан филмга такомиллашиб бораётгани бағоят қувонарлидир.

Иллат дегани ёмон касаллик, у бепарволикдан кўпаяди, урчиқди. Одамлар ўртасига гулу солади, инсоний фазилятларингизни иблисона девор билан ўраб ташлайди. Қийинчилик ўтади, деворлар қулаши мумкин, аммо, асар муаллифи Тоҳир Малик ўқдириганидек, инсон кўнглига ўрнашган деворни олиб ташлаш анча қийин кечади.

М.АХМЕДОВ

## Ушбу сонда:

- \* Мен ҳам Навоийни англаسام дейман
- \* Курашларда тобланган қўрғон
- \* Кўнгилик кўзгусига боқсам...
- \* Қувонч шарпаси
- \* Файнбергининг икки қўшниси
- \* Мирзо Бобур ўғитлари
- \* Қоҳира саҳналарида
- \* Астероид сайёрамизга хавф соладими?

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Эрталабданок матбуот дўконига югурасиз. Эҳ, яна улгурмайсиз. Сиздан чакқонроқи шиб кетган бўлади. Бир ҳарфта хунобингиз ошиб юради. Келаси жула — яна шу аҳвол. Ундан кўра, югурмай-непмай, асабингизни бузмай узок йиллик хамроҳингиз бўлган «ЎЗАС»га ОБУНА бўлиб қўя қолмайсизми? Газета ўзи эшигингизни тақиллатиб келаберади. Нашр кўрсаткичи — 222.



"АСАКАБАНК":  
ишонч,  
унум,  
даромад!

"ҒАЛЛАБАНК":  
сиздан ҳаракат,  
биздан баракат!

# Кўрашларда ТОВАЛАНГАН

## Кўрғон

### Тошкент тарихидан лавҳалар

**Таниқли тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг номи кўпчилик ватандошларимиз қатори, газетамиз ўқувчиларига ҳам яхши таниш. Муҳтарам олимимизнинг халқимиз тарихи, яқин-ўтмишида босиб ўтган йўли, айтилган, шўролар салтанати давридаги машаққатли ҳаёти ҳақидаги кўплаб мақолалари газетамиз саҳифаларида эълон қилинган.**

**Куйида Ҳамид Зиёевнинг Тошкент тарихига оид йирик тадқиқот-мақоласидан парча эълон қилар эканмиз, устоз олимимизни муборак ёшлари билан санимий кутлаб, у кишига сихат-саломатлик ва ижодий кайфият тилаб қоламиз.**

XIX асрнинг ўрталарига тегишли маълумотга кўра, Тошкент шаҳри ҳудудида 240 маҳалла, 370 масжид, 14 мадраса ва 11 ҳаммом бўлган. Ҳунармандчиликнинг барча турлари кенг кўламада ривожланган. Дегрээ — чўян куйиш, парчабон — газлама тўқиш, кўнчилик, эгарчи, маҳсидў ва ўқчи каби маълум касбларга ихтисослашган маҳалларда иш қизиган бўлган. Шаҳарда 16 та қарвонсарой, тўрт ярим миңга дўкон борлиги маълум қилдирилган. Ҳар бир молнинг тури бўйича алоҳида бозорлар мавжуд эди. Масалан, пахта бозор, чўд бозор, дон бозор, сомон бозор, пичок бозор, чопон бозор каби бозорлар бўлган.



сиз меҳнат қилган.

Бухородан ҳар йили туяларда пахта ва бошқа моллар Тошкентга келтирилган. Чиноз орқали Бухоро, Самарқанд ва Ҳўжанддан ҳам ҳар йили моллар олиб келинган. Қозғонистондан йилга 200 000 куй келтирилиб, уларнинг ярми Бухоро ва Қўқонга жўнатилган.

Тошкент Россия, Ҳиндистон, Афғонистон, Қашғар, Фулжа, Чугинок ва бошқа жойлар билан савдо алоқалари олиб борилган.

XIX асрнинг биринчи ярми — XX асрнинг бошларида тошкентлик савдогарлар Сибир (ҳозирги Свердловск вилояти)даги машҳур Ирбит ярмақасида фаол равишда қатнашганлар. Улар бу ярмақасда ипак газламалар, қалава ип, кўйлақлар, қорақуллар, қуруқ мева ва бошқа моллар билан савдо қилганлар. 1899 — 1901 йилларда ярмақасда Тоҳиржон Орифжонов, Иноятжўжа Иноғомжўжаев, Асамаджонов, Аҳмад Бақиров, Юсуфжон Иброҳимжонов, Мўминбой Умаров, Ҳамза Султонов ва бошқалар савдо билан шуғулланилиги тўғрисида аниқ маълумотлар бор. Хуллас, аср ўрталарига келиб Тошкент Урта Осиёнинг йирик савдо марказига айланган эди.

Тошкентликлар юз йиллар мобайнида девор қуршовида яшашга мажбур бўлганлар. Узундан узун ва баланд деворни кетмон ва бел билан қуришнинг ўзи бўлганмикин? Шубҳасиз, бу иш мажбурий ва машаққатли кўп вақт, маблаг ва машаққатли меҳнат талаб этган. Кўп миқдорда қурул-аслаҳа, озик-овқат тайёрлаш, ҳарбий машқатлари ўзлаштириш ҳам жуда қimmatли тушган. Халқнинг бундай оғир ва машаққатли вазифани бажонидил амалга оширишнинг сабаблари бор, албатта. Дахшлатли қирғинлар ҳам, оғир талофатлар ҳам халқнинг озодлиқ йўлидаги қурашларини тўхтата олмаган. Шунинг учун ҳам одамлар шаҳар ҳимоясига ҳамisha тайёр бўлиб туришган. Чунки душман ҳар дақиқада ҳужум қилиб қолиши мумкин эди. Шундай бўлса-да, халқ оғир ва хавф-хатарли шароит асирига айланмай, она юртининг моддий ва маънавий ҳаётини таъминлаш учун тиним-

Шаҳарнинг асрлар давомида девор қуршовида туриши муқтақилликни сақлашда муҳим ўрин эгаллаган бўлса-да, шаҳарнинг кенг кўламада қулоч ёйиши ва ривожланишига тўқсинлик қилганлиги ҳам сир эмас. Девордан ташқарида яшаш хавфли бўлгани сабабли иморатлар зич қурилди. Наҳажда кўчалар тор, эгри-бугри ва боши берк бўлиб қолган. Кўчаларнинг қишда лойга, ёзда эса тупроққа беланиб ётиши ободончиликка ва озодагарчиликка тўқсинлик қилган. Кексаларнинг айтишича, ҳар маҳаллада 30-40 жуфт этик махсуз тайёрлаб қўйилган. Улар лойқарчиликда мурда-ларни қабристонга олиб боришда қийилган. Бирок тор ва боши берк, яъни "жин" кўчаларнинг маълум даражада фойдаси ҳам теккан. Чунки, душман шаҳарга бостириб кирган вақтларда кўчаларда жанг қизиган. Кўча оғзи турли нарсалар билан тўсилиб, баррикадалар қурилган. Борди-ю душман бостириб кирса, у вақтда одамлар ўз уйлари томларидан тош, гувала, найза ва бошқа нарсаларни душман устига ёғдирганлар.

Шаҳарда ернинг танқислиги туфайли икки қаватли уйлар қурилган. Иккинчи қавати болонхонада ўтин, ём-хашак, рўзгор буюмлари сақланган. Шунингдек, одамлар яшайдиган болохоналар ҳам бўлган. Уйлarning томлари ҳар йили ёки икки йилда бир мартаба сомонли лой билан суваб турилган. Бу иш анча оғир бўлганлиги учун ҳашар йўли билан бажарилган. Юқорида келтирилган оғир ва машаққатли шароитта, шу жумладан, хавф-хатарга қарамай, шаҳарда ҳаёт ҳамиша қайнаб турган. Бунда халқнинг ўта меҳнатсеварлиги, сабр-қаноатлилиги, чидамлилиги ва она юртининг дилдан севилиши ҳал қилувчи восита бўлган.

Тошкентнинг кўп асрлик тарихини фақат ўзаро зиддият ва урушлардан иборат бўлган дейиш хато, албатта. Халқ оммаси оғир шароитларга қарамай ҳунармандчилик, деҳқончилик ва савдода қўлга киритилган ютуқларни кўз қорачигидек сақлаб, тақомиллаштириб борган. Бундай

ҳолат маданият соҳасида ҳам кўзга ташланади. Шунингдек лозимки Тошкентнинг маданий тарихи хали кенг кўламада махсуз ўрганилган йўқ. Айрим маълумотларга кўра, X асрда Абу Муҳаммад ал-Матроний ўзининг нафис ва жо-зибадор шеърлари билан танилиб, улар девонга жамланган. Шоир ва файласуф Абу Раби ал-Бахий Тошкентда яшаб ижод қилган, шеърларида Тошкент шаҳрини кўкларга кўтариб мақтаган. 1285 йилда Тошкентда туғилган шоир Бадриддин Чочий Самарқанд, Бухоро, Боғдод ва Мисрдаги мадрасаларда таълим олган, ажойиб қасида ва газаллар битган. Унинг ёзишчи, одамлар ўзларининг қадр-қимматини билиш ва камчиликларини тузатиш, ҳақиқат ва адолат учун курашса, одоб-ахлоқи, жасорати ва ма-тонатли бўлсалар, қомилликка шунча яқинлашадилар.

XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида яшаган шоир Зайниддин Восифий ўзининг Тошкентга бағишланган асаридида боғларни, узумларни, анор ва қовунларни ҳўб таърифлаган. XIX асрнинг биринчи ярмида шаҳардаги «Оқмасжид» маҳалласида туғилган Шаҳий Тошқондий мадрасада мудarrisлик қилиб, Туркия, Сурия, Миср, Ироқ ва Саудия Арабистонига сафар қилган.

Тошкентда таржимонлик, хат-тотлик, кўлғезмаларни тартибга солиш ва муқовалаш бўйича атоқли кишилар етишиб чиққан. Масалан, XVI асрда ижод қилган Мошай Тошқандий, Ибодулла Тошқандий, Дўстим Султон Тошқандий, Абдуғаффор Тошқандий, XVII — XIX асрларда яшаган Фатҳи Тошқандий, Муҳаммад Тошқандий, Мирза Азиз Тошқандий, Умарбек Оҳунд Тошқандий, Қулфат, Зоир Тошқандий, Азизуллоҳ Тошқандий ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳофиз Қўжаки Хунди-тонга бориб, Бобур ҳузуридида бўлган. У Тошкентнинг фахри ва гурури ҳисобланган, Бухоро, Эрон ва бошқа жойларда машҳур олим сифатида танилган.

Йирик олим ва тарихчилардан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Бобурнинг ҳолисанинг ўғли эди. Унинг «Табрихий Рашидий» китоби Урта Осиё, Қашқар, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Тибет тарихини ўз ичига олган. Абу Убайдулла Муҳаммад ибн Султонтўхжа (Эшонқўжа Тошқандий) Тошкент ва Қўқон ҳонлиги тарихи бўйича қimmatли асарлар битган. 1830 йилда Тошкентда туғилган, Муҳаммад Солиҳ Тошқандийнинг «Тошкентнинг янги тарихи» асаридида шаҳарнинг ўтмиши ва уни чор ҳукумати томонидан босиб олинишига доир кўплаб қimmatли маълумотлар мавжуд. У Черняевнинг қўшиғига қарши жангларда бевосита қатнашган.

Тошкентда санъат соҳасида ҳам диққатга сазовор ютуқларга эришилган. Чунки VII — VIII асрларда шаҳарда рақс санъати гоятда ривожланиб, доврғи чет мамлакатларга ҳам тарқалган. Таниқли санъатшунос олим М.Раҳмоновнинг маълумотига кўра, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд рақсасалари Хитойда катта шўхрат қозонган, ҳайратланган ва завқланган шоирлар уларга атаб қасидалар тўқиганлар.

Тошкент ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида азоб-ўқубат, қийинчилик ва талофатларни ҳам босидан кечирди. Шуларга қарамай, тошкентликлар ҳунармандчилик, деҳқончилик ва маданият соҳасида эришилган ютуқларини кўз қорачигидек сақлаб, жасорат ва мардлик билан ҳаётни давом эттирдилар. Узок асрлар мобайнида гоҳ тараққиётга, гоҳ талофатга ва гоҳ инқирозга учраган Тошкент ўзининг минтақадаги мавқеи ва аҳамиятини асло йўқотмаган.

Истиклолнинг дастлабки йилларида бослабқо маънавий ҳаётимизда жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Давлатимиз раҳбарининг миллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги пухта ва изчил сийбати туфайли юртимиз қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди, миллий тараққиёт йўналишида ўзига хос ва мос йўлни танлаб олди. Бунда Юртбошимизнинг ўз куч ва имкониятларимизга асосланиш, йўғини яратиш, борини асраб-авайлаш, улуг аждодларимиз қолдирган маънавий меросдан баҳраманд бўлиш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш каби қўрсатма ва йўл-йўриқлари муҳим аҳамият касб этди. Узликни англаш, собиқ тузум онг-шууримизга мажбуран сингдирган сохта қадриятлардан халос бўлиш, халқимизнинг бой ўтмишига доир ҳақиқатнинг юзага чиқиши, тилимиз мавқенининг кўтарилиши, минг йиллик урф-одатларимизнинг тикланиши, ислом дини ва диндорларга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши, Қурьони Карим, ҳадису шарифларнинг она тилимизда нашр қилиниши — бу каби маънавий янгиланишлар, шубҳасиз, катта ютуқ бўлди. Янада муҳими, наинки Тошкент, бутун Ўзбекистон жаҳон ислом маданиятининг маърифий марказларидан бирига айланди.

Қиёнда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган ислом университетидида бўлганларнинг талабаларининг хулқ-одоби, қийинчи ва муомала маданияти таҳсинлар айтдиқ. Диний ва дунёвий билимларни чанқоқлик билан эгаллаётган ёшларни кўриб гурурандик. Ҳаёлимиздан, қани энди мамлакатимиздаги жамийи олий-гоҳларда, бошқа ўқув юртиларида ҳам шундай бўлса, деган фикр ўтди.

Бундай деяртаганимизнинг босиб бор, албатта. Қизларимиз, опа-сингилларимизнинг қийинчи ва хулқ-одобида ижобий ўзгаришлар юз бераётгани, шубҳасиз, қувонарли ҳол. Момоларимиз, оналаримизнинг миллий либоси миллий ахлоқ-одобимиз, аёлларимизнинг боқиралик, шарм-ҳаёлилик, ифтиалиқ фазилатлари ифодасидир. Демакки, аёлларимизнинг миллий қиёфага қайтиши миллий аёл маънавиятининг ҳам қайта тикланиши бўлади.

Аёлларнинг миллий либоси уларнинг аёллик, оналик хусусиятларини асрашга, пировард натижада онали муқтажамлашга, соғлом авлодни воғга етказишга йўналгандир. Айнақса, балогатга етаётган йигит-қизларимизнинг маҳаллий шарт-шароитга мос тарзда қулай қийинчи табиий зарурат бўлибгина қолмасдан, муҳим ахлоқий-психологик маънога ҳам эга.

Афсуски, бу борада жиддий қусурлар ҳам кўзга ташланади. Албатта, ҳамма ўз диди ва имкониятига қараб қийнади. Аммо баъзи «имконияти» борлар қийинчи одобидида қош қўяман деб кўз чиқараётганлари ҳам сир эмас. Буни санъатимизнинг баъзи ёш «юлдузлари», олийгоҳларнинг эрка талабалари мисолидигна эмас, оддий мактаб ўқувчилари мисолида ҳам бемалол кўриш мумкин.

Бирор бир кишининг қийинчиюга қараб, унинг эстетик диди, турмуш тарзи, дунёқараши, атрафидигиларга муносабати, феъл-атвори ва бошқа кўп жиҳатларни бемалол билса бўлади. Масалан, бугун тўйларимизда хизмат қилаётган айрим ёш қўшиқчи қизларимизнинг, рақосаларнинг қийимини кўриб, тўғриси, ҳижолат бўлиб кетасан. Ҳаё ва одобга мутлақо тўри келмайдиган қийимлар. Бунинг устига, қулайётган қўшиқлари ҳам худди шун-

дай — бири боғдан, бири тоғдан. Фонограмма оғиз қимирлатиб туршида, таниқли санъаткорлар ижросидаги қўшиқлари бузиб-чатишдан уялишмайди. Атрафиди ота-онаси тенгги одамлар, устоз-мураббийлар ўтиришгани ҳаёларига ҳам келмайди. Бунинг устига, ҳаммаинг кўз ўғида бир-бирлари билан ўпишиб, қучоқлашиб қўришидади, қийриб қулишади, беҳаёлик қилишади.

Ёшлиқ йиллари ҳаммаимиз ҳам кимларгадир, нималаргадир тақлид қилганмиз. Яхши меҳнат қилиб, яхши ўқиб қаҳрамон бўлиш, эл-юртга танилишни орузлаганимиз. Бугунги айрим ёшлар тўйда, телевидениеда, кинода, саҳнада ва ҳатто бозорда бир нимани кўрсалар, ўйлаб-нетмай эргашиб кетаверадилар. Бундай тақлидчиликнинг баъзи қўриқчилари олий ўқув юртиларининг талабаларида ҳам кўзга ташланади. Таажжубланарлики шундаки, танлаган касбига меҳр қўйган, фанларни кунт билан ўзлаштираётган талабалар, оддатда, одми, камтар қийинишади, тилла тақинчоқларини кўз-кўз қилишмайди. Дарсларга эътиборсиз, бир кун келса, икки кун қўринмайди. Диний асарларни кўра-кўра эса бунинг тамомили аксини кўраимиз.

Шу ўринда бир тақлимимиз бор. Телевидение-

дан бири эканлигини эътиборга олмастик ҳоллари ҳам учраб туради.

Маънавият — шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий-маърифий дунёсини, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий-эстетик ва диний қарашларини, ҳис-туйғуларини ўзида жамловчи кенг фалсафий тушундир. Президентимиз Ислам Каримов эътибор эгитганида, «Маънавият — инсонни руҳан поклашни, қалбдан улайишга қорлайдиган, одамнинг ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-этикодидини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир». Маънавий торлик шахсининг ижтимоий фаоллигини чеклайди, охири-оқибат маънавий кемтикликка, мутаассибликка олиб келади.

Ўтган йили Марғилон шаҳридаги хонадонлардан бирида ола-чипроқ қўшиқчи туғилгани ва бу воқеа муносабати билан кўтарилган шов-шув кўпчилигини ёдига бўлса керак. Айрим шов-шув мухбирлар, бозорбоп газеталар, телевидение ходимлари уни илоҳий мўъжиза сифатида талқин этдилар. Қўлаб одамлар қўшиқчи зиёрат қилгани боришида. Хусусий транспорт эгалари «Кўкон» «Қўзичок», «Қўзичок — Қўкон» йўналишини ташқил этиб, одамларни янги «зиёратгоҳ»га таший бошладилар. Диний уламоларнинг аралашуви билангина бунга чек қўйилди.

Сўнги вақтларда водий шаҳарларида, хусусан Қўқон ва Марғилонда аёлларнинг кўча-кўйда, жамоат жойларида, тўй-маъракаларда қора ҳижобда, қора рўмолга ўралиб юриши урф бўлаёттир. Шундай қийинган аёллар бир жойга тўпланиб қолиши, юрагини гизини босади. Момоларимиз, оналаримиз азалдан турмуш-тарзимизга, табиатимизга мос, миллий феълимизнинг ифодаловчи либослар қийилганлар. Хатто мусибат пайтлари ҳам қора эмас, кўк рангли қийим қийилганлар. Миллий тафаккуримизга кўра, қора ранг — зулмат, ҳам-андуз тимсоли бўлса, кўк ранг ҳаётнинг абадийлиги, давомийлиги, доимо янгиликни туриши рамайдир.

Либос фақат тана ёлпинчиғига эмас, юқорида айтиб ўтганимиздек, шахсининг, миллатнинг дунёқараши, ахлоқ-одобини ҳам ўзида намоён этади. Бугун кўча-кўйда, жамоат жойларида, ҳатто тўй-маъракаларда миллий либосда бежирим қийиниб юрган опа-сингилларимизни кўриб, дилнинг йираб кетади. Аксинча, кечки базмларга, ниқоҳ оқшомларига анчайин очик қийиниб, ҳеч нарсадан тап тормай, бемалол қадаҳ қўраётган, сигарета тутатаётган, ўзини ўзи кўз-кўз қилаётган аёлларни кўрганганида, гўёки бунга сен айбдордай, ҳижолат тортиб кетасан. Бу билан биз ҳамма бир хилда қийинчи лозим демокчи эмасмиз. Фақат либос — инсоннинг маънавий ҳусни эканлигини унутиб қўймасак бўлгани.

Муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобидаги ушбу фикрларга яна бир бор эътибор берилайлик: «Бугунги кунда инсон маънавиятига йўналтирилган, бир қарабда арзимас бўлиб туялодиган қичкина шаҳар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан қўқ олиб, кўзга қўринмайди, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин». Жаҳон давлатларининг, турли куч ва оқимларнинг таъсири қучайиб бораётган ҳозирги замонда ҳаммаимиз ушбу оғоҳлик давратини ёдда тутиб, ҳориждан турфа қўриқчиларда маънавий ҳаётимизга қириб келаётган, ёшларни тўри йўлдан оздирувчи таҳдидларга нисбатан доимо эсдага ва ҳушёр туришимиз лозим. Бу масалада бамайхотирчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ўринбой ТОШТЕМИРОВ,  
Рашидхон ШУКУРОВ

# ОНА ТИЛИМИЗ ТАБИАТИ

## Ҳудуд сўз қўллаш наҳорати

Она тилимиз жуда бой. Неча минг йиллар оша сайқал топиб, турфа маънош сўзлар ва халқ мақоллари, фразеологик бирикмалар, турли қочирим ва ҳазил-мутойибаларнинг кенг қўлланиши туфайли бойиб келаётган тилимиз туркий тилининг барча гўзаллиқларини ўзида муқассам этган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» ва бошқа мўтабаб манбалар бугун она тилимизда ишлатиб келинаётган сўз ва ибораларнинг нақадар қадимийлигиндан далолат беради. Ҳазрат Навоийнинг дoston ва газаллари, Мирзо Бобур шеърлари ва «Бобурнома», машҳур адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари, бугунги кунда атоқли шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг кўплаб шеърларида ўзбек тилининг бой имкониятлари гўзал даражада ўз ифодасини топган. Она тилимизга истиқлол йиллари арафасида давлат тили мактабининг берилиши аса унинг қадри ва нуфузини янада юксакка кўтаргани билан аҳамиятлидир.

Бирок, истиқлолга қадам бошқа тиллардан, хусусан, рус тилидаги илмий ва маърифий йўналишдаги мақола ҳамда рисолалар матнларини ўғирши жараянида давллат муносабати тилига ношуд таржи-монлар томонидан она тилимиз таби-

тига ёт бўлган сўз ва иборалар ҳам кириб қолганки, эндиликда уларнинг маъно ва моҳиятини чуқур англаган ҳолда айрим хатоларни тузатиб боришнинг фурсати етди. Шу боис мен кўп йиллик журналистлик тажрибамда учраган айрим хато қўлланган сўзларни тўғри ёзишга доир мулоҳазаларим билан ўртоқлашгани маъқул кўрдим.

«Утар» Бу сўзни халқимиз қадимидан ишлатиб келади. У рус тилига «отара» тарзида кирган. Буни билмайдиганлар эндиликда «Утар»ни таржима тили орқали ўзбекчада ҳам «отар» тарзида ишлатаяётганлари тўғри эмас. Айни чоғда рус тилидан нотўғри таржима қилиш оқибатида тилимизга адашиб кириб қолган ифодалар ҳам жуда кўп учрайди. Масалан, «сельхозкультури» иборасини нуноқ таржимонларимиз «қишлоқ хўжалик экинлари» деб олишган ва бу атаматуботимиз тилига ҳам кириб қолган. Ҳолбуки, бу ўринда «қишлоқ хўжалик» деган сўзни ишлатишга мутлақо ҳожат йўқ, «экинлар» дейилса, қифоя.

«Ҳосилдорлик» деган сўз экинга нисбатан қўлланилганда тўғри. Бирок «ер ҳосилдорлиги» дейилса хатога йўл қўямиз. Бу ўринда «ернинг умумдорлиги», деб олиш тилимиз табиатига тўғри келади. Айрим бадий асар ва мақола-

ларда «она тулрок» деб ёзилганига қўзимиз тушади. Менинг назаримда «она ер» дейилса тўғрироқ кўринади. Чунки «тулрок» сўзи «она ер»нинг таркибий қисмининг ўрганишда атам бўлиши мумкин.

«Чорва ҳайвонлари» деган атамани ҳам кўп учратамиз; тўғриси: «чорва моллари». Рус тилида «крупный рогатый скот» дейилади, шунга тақлидан айрим ҳамкасбларимиз «йирик шохли моллар», деб ёзишади, ҳолбуки уни «қорамол», деб ёзишнинг ўзи қифоя. Шунингдек, «мелкий рогатый скот» эмас, «қўй-эчки» дейилса ҳашироқдир. Айримлар ўйламай-нетмай, атамаларни қуйидагига пала-партиш ишлатишади: «гўшт, туҳум, сут, пилла ишлаб чиқариш». Бу ўринда «ишлаб чиқариш», деб эмас, «етиштириш» деб ёзиш ва айтиш тўғри бўлади.

«Пахта навлари» тайёр махсулот, деган маънони англатади. Шу сабабли матнда гап экин навлари ҳақида борганда уни «гўза навлари», деб олиш лозим. Телекўрсатувларда матнлар «денгиз мушуқлари кальмарлар билан оққатланади», деб ўқилмоқда. Ахир жониворларга нисбатан «озикланади» деган сўз бор-ку!

«Аҳвол» атамаси фақат инсонга нисбатан ишлатилиши жоиз, бошқа нарсаларга тадбиқан эса «ҳолат» сўзи қўлланса бўлади. Аммо кўпчилик бу қондага мутлақо риоя қилмайди. Масалан, «машинанинг, сигирининг, мушукнинг аҳвали» эмас, «ҳолати» деб баён қилиниши керак. «Қобилият» сўзи ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Негаки, «қобилият» фақат инсонгагина хос, аммо русчага тақлидан ёзилган «машинанинг қобилияти», «темир йўл станцияларининг юқ ўтказиш қобилияти», «мудофаа қобилияти» деган ибораларга тез-тез қўзимиз тушади. Булар хато. «Мудофаа қобилияти»ни «мудо-

фаа қудрати» деб олиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир иборатга газетхонлар эътиборини тортмоқчиман: ҳозир «технология» сўзи таълим соҳасига тadbикан ишлатилиб, «таълим технологиясини ислох қилиш лозим», тарзида ёзилмоқда. Шундан эътиборан бу сўз турли соҳаларда зўрма-зўраки қўлланаёттир: «рангтаъбир санъатида янги технология», «касаликни даволаш технология-

си», «ишларни ташқил этиш технологияси», «боғчада болаларни тарбиялаш технологияси» ва ҳоказо. Шунинг ўрнига «усули», «йўсини», «йўллари» дейилса, тўғрироқ бўлади.

Радио ва телевидение ҳамда матбуот тилида «пул маблағлари», деган атаматубот қўлланади. Аслида пул ва маблағ сўзлари маъно жиҳатидан бир хилдир. «Устав фонди»ни эса таржимада «низоом жамғармаси», деб олган маъқул. Русчадаги «подзаконные акты» иборасини «кўнун ости ҳужжатлари» деб эмас, «кўнун қучига эга ҳужжатлар» ёхуд «меърий ҳужжатлар», деб баён этиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим жиҳат: бирдан ўнчага бўлган рақамлар сўз билан ёзилгани тузуқ. Аммо, «килограмм», «грамм», «сантиметр», «кубометр», «километр» сўзлари ишлатилгандагина ўнчага бўлган сонлар рақам билан ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлади ва тилимиз табиатига ҳам мос тушади, деб ўйлайман.

Муродхўжа ШАРИПОВ,  
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

# СЎЗ — ҲАЗИНА, НОМ — НОМУС


Она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан сўнг юртимизнинг кўплаб худудлари, шаҳар ва қишлоқларида ўзбек тилида ёзилаётган атамалар кўпайди. Бозору маҳалла дейсизми, ошохончоёхона дейсизми, гузарлару бекатлар дейсизми — мана шундай турфа жой номлари узукка кўз ярашгандек юртимиз чиройига ярашиб тушди.

Гарчи, айрим тadbиркорлар ўз дўконларини ресторанларини русча ёки хориж тилида ёзиб қўйиш «касалик»дан ҳамон қутула олмай, ҳаммаёқни биров тушуниб, биров тушунмайдиган ажнабий номларга тўдириб ташлаётган бўлса-ларда, «Турон» у «Туркис-тон», «Бодомзор» у «Урик-

нуқул оталаримиз номи билан аталган, бир хил қолига қириб қолган номлар кўп қийилмоқда. Аслида бунинг у қадар зиёни йўқ. Турли ажнабий номлардан кўра қуллоққа ёқимли эшитилади. Қолаверса, юртимиз ва миллий ҳаёт тарзимизини ҳам ифода этади. Бирок мени бундай бир хил қолига тушган атамалар эмас, уларнинг исми жисмига мос эмаслиги кўпроқ ўйлан-тиради. Тадбиркор фарзандлар ўз оталарини эъзозлаб қурган иморатларини уларнинг номи билан аташаётган экан, бу иззат-ҳурматга охиригача амал қилганлари тузуқ эмасми?

Айтилайик, ўша ўйларга томондан сийланаётган оталарнинг қўпчилиги намозхон, дуоғўй, элда обрў-эътибор ортирган, эҳтимол Ҳаж амалларини ҳам ёки ресторанларга қўйлаётган номлар узуқка кўз қўйилганда ярашиб тушгангина наме етсин!

Абдуазиз НАБИХЎЖАЕВ  
Тошкент.



Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг "Олам кира юрагимга" деб номланган илк шеърини тўплами чоп этилганига қирк йил бўлди. Ярим асрлик ижодий фаолияти давомида таниқли шоирнинг "Чўққиларга ёғилди ёғду", "Таш тугён", "Тафаккур", "Қадах", "Сувайдо" сингари тўпламлари нашрдан чиқди. Утган йили шеърлар ва достонлардан таркиб топган кўп жилдли "Сайланма"синининг "Аср билан видолашув" номли биринчи жилди муҳлислари кўлига бориб етди.

Замонавий ўзбек шеъринининг пешкадам вакиллари-дан бири Жамол Камол бадиий таржима соҳасида ҳам баракали ижод қилиб келаётган. Жалолиддин Румий ва Фаридиддин Аттор сингари Шарқ бадиий тафаккурининг улуг устозлари, Шекспирдек Фарб даҳо адабиётининг жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган асарларидан ўзбек китобхони Жамол Камол таржимаси орқали бахраманд бўлиб келмоқда. Шунингдек, унинг "Лирик шеърят" номли китоби, "Тарихий драма" рисоласи шеършунослар, тадқиқотчилар орасида кўлма-кўл бўлиб ўқилди.

Сермаксул шоир, моҳир таржимон Жамол Камол айни пайтда таваллудининг етмишинчи йилини қаршилайётган. Таниқли шоиринининг кутлуг ёши билан қўлга, эътиборинингизга унинг бир туркум шеърини ҳавола қилаётимиз.

ТАХРИРИЯТ

КЎЗИМНИ ТУТМАНГИЗ АЙРУ...


Кўзимни тутмангиз айру кўзи қаролардин, Кўзимда ёш эмас, ёғду, ўшал балолардин... Термулиб, тўяй дерману термулиб, тўямасман, Кечибман шу жаҳонда ўзга ҳар не мудлолардин. Аё гул юзли ёрим, шу жаҳон уни обод Сен каби санамлардану мен каби адолардин. Кўзимда уйқу йўқ, кинирларим қовушмаслар, Саҳарлар кўнглим ичра янграган наволардин. Ёмонлик кўрагим борму, айттид, эй фалак, Кўйингда куйманиб юрган биз каби гадалардин? Не бўлмай ул иморатинг дунёда, эй кўнгли, Иморат айланган уни янглишу хатолардин? Жамол дуога кўл очиб, омин, дер ҳар нафас,

Шоҳд насиба этса деб ёр деган дуолардин...

УЙҚУСИДА...

Кеча эл уйқусида, кўнглим биров қайғусида, Улки, мен қайғусида, осуда, ноз уйқусида... Ҳар сафар ҳазрат Навоийдан ўқиб шу матлави, Ул санамни мен қўрарман кўзларим ўтрўсида. Уйқудин кўз очсаю кўзуга юзми бурса ул, Йўқ ажабиким, бир малаксимю кўрар кўзугида... Тонготарлар шуъласи юзларда зоҳирмиш, не тонг, Кўкда Зухродин нишон эрмиш кўзи жодусида. Тонг билан Зухрон қўнгли, ойдан ахтаргил қиёс, Хуснини кўнгли унинг туғларда ул ёғдусида. Неча Мажнулар унинг кўнглида кул эрмиш гадо, Неча Фарқоллар юрармиш ниқда, орзусида. Гарчи жоду кўзлари фаттон эмиш, жон офати,

ЖАМОЛ КАМОЛ, Ўзбекистон халқ шоири



Жонга роҳатлар яшармиш лаблари кулгусида.

Эй Худойим, айлагил шшу вафони унга ёр, Бўлмасин қайғу, алмлар қалбида, туйғусида.

Шоиро, айтдинг, париваш васфига сўз етмади, Тазрифи тосин ало сонсанлар чоғусида...

ЖОНСИЗ КЎРДИМ СЕНИ...

Жоним, жоисиз кўрдим сени ногоҳ, эргалаб, Табассум эрди лабнигда ажабданам ажаб... Жонсиз лабда табассуминг не эрди, эй ниғор? Суник бир шам эдинг, аммо ёнардинг парираб... Эвоҳ, билдимки, эрди ул табассуми вилдо, Табассум этардинг менга хайр деб, хушалаб. Кетдинг сен тобут ичра ҳам табассумлар сочиб, Мен қолдим кўзда ёш ила, ортингда мўлтираб. Видо табассуминг ўшал қалбида қолди, ёр, Кўрарман ул табассумининг ҳар томон қараб.

Ул не табассум эрдиким, табассум айлабон, Ҳажру фироқ соднинг бошимга, турмадинг амб.

Ул не табассум эрдиким, табассум этдингун Еқдинг меннинг жонимни сен, бағримга ўт қалаб.

Ул не табассум эрдиким, табассум айлагач, Сен кетдинг сўни Кавсару мен қолдим ташналаб.

Ляълинг аро табассуминг ўшмакка интизор, Жоним куяр гоҳо тугунсиз, гоҳида тутаб.

Мискин Жамолнинг бир куни борғуси жон бериб, Чиксанг табассум айлабон олдиға не ажаб...

КЎНГИЛ КЎЗГУСИГА БОҚСАМ...

Кўнгли кўзгусига боқсам, неча рамзу ипоратлар Очилгайдир масофатлар, кўрингайдир иморатлар Кўнгли кўзгусига боқсам, фалаклар бўлғуси пайдо. Фалаклар кўнгида кўргум ажаб хусну латофатлар... Самовотларга чек йўқдир, мақомотларга ҳам поён, Қаён боқсам, тамомаст йўқ, давоматлар, давоматлар. Аё кўнглим, шу олам ичра чин олам ўзингирсан, Ки сенга икки оламдин келур сирру синаотлар. Тирлик не эмишдир, хай, бу зулмат, бу зиё ичра? Риёзатларда тоатлар, мапақатларга тоқатлар. Кўйиб ерни, гоҳи авжи фалакка чирмашур оҳим, Тушиб жонимга оташлар, етиб руҳимга ҳолатлар... Кўнгида ёр висоли бўлмаса йўқдир ҳаловат ҳам, Худое, бер Жамолга ганжи василдин ҳаловатлар...

Иван ВАЗОВ, булғор шоири

СОКИН ҚУШНИҚЛАРГА СОЗ МЕНИНИҲ СОЗИМ

БИЗНИНГ ОСМОН ОСТИДА

Соҳдан тирноққача тугўлдим шоир, Қалбимдан қуй оқар юртимга доир. Кўкдам гул очса ҳам, бўрон турса ҳам, Жарағлаб тинмайди, қуйлайди жоним, Сенниг ҳайонингдан ҳаминша бардам, Булғористоним! Мениг руҳим озод, қанотли ҳар вақт, Улда халқ қуйлари янғар бақувват. Кўхна Болқонларни кўрганида бир Унга куч берар юрт, она маконим, Тикка қўқ тоқига умқоққа қолдир, Булғористоним! Юрагим уради, чекади жафо, Ҳар қимнинг дард-ғами берар акс-сало. Ҳар битта торини диққат-ла тингла, Торларга урилган жону жаҳоним, Юрагим бир хилдир сенниг қалбинг-ла, Булғористоним! Илҳом парим мен-ла биргадир мангу, Шод, ғамгин қунарнинг менга йўлдош у, Энг ширин сўзларни шивирлар менга, Янги ижод чоғи, энг қизгин оним, Илҳом парим қулқоқ тугади сенга, Булғористоним! БАТАН Эҳ, қандай яхнисан, жонажон Ватан! Нафис осмонларинг мунча мовийранг! Мунча кўп турлар жонли маъзаранг! Ҳар гал титраб кетар завқдан жону тан: Бор ёш шўх водийлар, бир ёш аил тоғлар, Серолдуз осмонлар, серулг ўтлоқлар... Эҳ, қандай яхнисан, жонажон Ватан! Борми эл дунёда сендан ҳам бойроқ? Сенда жам жамик неъмат, сарватлар: Шу ерлардир шойи, буғдой, шарбатлар, Боғларинг муаттар, тонларинг ошпоқ. Гулларинг хушбўй-у ўрмонинг сарни! Ёш қонлар шодликдан инсон кўзларинг... Борми эл дунёда сендан ҳам бойроқ? Сен олий севига лойиқсан, Ватан! Ҳўрсимасми сени бир кезган сайёҳ? Ниманг йўқ? Ҳар нарсасида муҳайё! Ундо оларми сени бир кўрган? Оллоҳ жаннат учун талласа бир жой, Танларди бошқамас, сени, ҳойнаҳой! Сен олий севига лойиқсан, Ватан!

ОНА ТИЛИ

Дунёлар бор булғор тилида Янғроқлиги баҳш этар севинч. Эй, она тил, шоир қўлида Сен чилторсан, гоҳида қилч. Севдим сени, эй булғор тилим, Новадайсан, бирда тошдайсан. Олмос каби ўтқир-у, ҳалим, Оташ руҳи ҳам қўйидайсан. Қўшқлар ва қарғишлар тили, Тоти эса сирли ва сархил. Лол этади инсон зотини Бу мардона, жасур ва хур тил. Комиллигин кўринсин мангу, Яна яираб Булғор ерида, Аёлларнинг қўшқларини Шоирларнинг ўгли шеърда.

ТОРЛАР

Майин шамолларда барғлар овози Титраб-титраб сокин янграганидай, Соғланганда нозик куйларга созим, Титраб эли лирам, одам жондай. Ширин хаёлларга, соф орзуларга, Сокин қўшқларга соз эли созим... Аммо сўнг бўронлар ситдил уларга, Бўлиб қолди элга саргатлар лозим. Сози, довуларда сен таратдинг ун, Қарнайга айландинг жангта қорловчи. Асли тургандинг дуолар учун Инсонларни соғлиқ сари бошловчи.

Миразиз АБЗАМ таржималари

Худо "Ол, қулим!" деб турган эканим, Икром компютер дастурчилик танловига ютиб чиқди-ю, Европа мамлакатларидан бирига саёхат йўланмасига эга бўлди! Бориш-келиш, яшаш, овқатланиш, кўйингли, ҳамма ҳаражатлар ташкилотчилар зиммасида! Қувончдан Икромнинг боши осмонга етди.

...Хаммаёқ ям-яшил. Йўллар ойнадай текис. Чанг, гўбор кўринмайди. Хатто дастлабки кўнлар Икром дараклар, буталар барғларининг бу қадар тозаланидан хайратга тушиб, уларни кечаси ювиб қўйшармикан, деган ўйга ҳам борди. Аммо таржимон бунни осонгина изоҳлаб берди: — Ҳаво намчил. Чанг йўқ. Шу сабабли барғлар топ-тоза тураверади...

Дарҳақиқат, таржимоннинг гапини исботлагандай, Икром бир ҳафта кийиб юрган кўнларининг эҳтида заррача ҳам кир кўринмади. Вақоланки, кишлоғида ҳар кун қўйилган алмаштирмаса бўлмасди...

Бу мамлакат одамлари нима учун наолағат, ҳаттоки ётоқхоналарига ҳам бемалол туғилдида кириб кетавериши сабабини Икром ана шунда тушуниди: ахир, туғиллар ялтираб турибди, чанг йўқ. Бунинг устига, одамлар унинг ичидан гажарларга ўтишадиган, машинага ўтириб офисларининг олдида қадар келишадиган, яна теп-текис, гиламча тушалган йўлдан юриб шш кабинетларига киришадиган. Бунақа шароитда чанг қайқдан пайдо бўлсин!

Лекин бу мамлакатда ҳамма нарсаси ҳам Икромга ёқармади. Дейлик, эрталаб уйқудан уйғонган одамлар юз-қўлларини ювмасдан бурун, тўшақда ётиб қаҳва ичишадими-ей, ё бўлмаса шу ҳоллардада гаплашиб кетаверадиларми-ей...

Икром қиллоғини эслади: саҳар уйғонганидан сўнг, юз ювмасдан туриб наинки ота-онаси, балки ака-укаларига ҳам кўринмасди, улар билан гаплашиш-ку, инчунин...

Инглиз тилини ўргана бошлаган Икром бир кун компютер орқали мамлакат парламенти сайтига кирди ва сўзларни ҳижжалаб таржима қила-қила, ахирини депутатларнинг бир гуруҳи... кўчада итларни қандай тартибда олиб юриш тўғрисида тортиб таёйрлаётганини тушуғандай бўлди. Икром анграйиб қолди. "Нотўри таржима қилдим шекилли", деган хавотирда эртаси кун таржимондан сўради.

— Тўпла-тўри, — бамайлихотир жавоб қилди таржимон. — Ахир... — баттар хайратланиб сўради Икром, — ахир депутатларнинг бундан бошқа иши йўқми?

Таржимон баайни икки қарра икки тўрт эканлиги ҳақидаги оддий ҳақиқатни ўқираётгандай яна пинак бузмади: — Ахир бошқа барча керакли қонунлар аллақачон ишлаб чиқилган бўлса, депутатлар нима қилишсин?

Жавобдаги мантиқ Икромнинг попутини пасайтириб қўлди... Бу мамлакатда яна бир нарсаси Икромга маъқул бўлди. Буям бўлса — бир-бирларига мутлоқ бегона одамларнинг кўча-қўйда, дўқонда, истироҳат боғларида, иш жойларида, кўйингли, ҳамма-ҳамма жойда бир-бирларига табассум билан қаршиларини, бир-

бирларига меҳрибонлик билан муомала қилишлари. Кўча-қўйда ота-онасининг елкасидаги ёки болалар аравақасидаги бирон гўдакни кўриб қолишса-ку, тамом — худди мўъжизага дуч келгандай ёш-қари гўдакка хайрат ва қувонч билан қаради, иложини топиб икки оғиз ширин сўз айтишадиган, ўзатқиларидан ширинлик олиб ўзатишадиган...

Уйлай-уйлай, охири Икром бунинг сабабини тоғнади бўлди — ахир оилада битта, кўпи билан иккита фарзанд бўлгандан кейин, бунинг устига ўн олтига туғилган йигит ёки қиз уйдан чиқиб кетиб, мустақил ҳаёт кечира бошлаганидан кейин бора-бора бу бечоралар гўдак исига, гўдак табассумига зор бўлиб қолишадиган шекилли... Аммо қарингиди одамнинг сенга табассуми қандай туриши... Барибир ёқди.

Тўри, аксар ҳолларда табассум чин юракдан эмас, сунъий, гўё одамлар юзларига табассумдан ниқоб кийиб олишгандек. Хатто дастлабки кўнлар Икром атрофида қариларга жиддийлик билан қараётган босими, улар хавотирга тушиб, таржимондан сўрашадиган: — Меҳмонимизнинг бирон муаммоси борми? Бу гапни эшитган Икром қулиб юборишдан ўзини тийиб туролмасди. Бунинг кўраг мезбонлар енгил нафас олишди.

Албатта, дуч келган одамга илжайиб қарайверишининг ўзи бўлмайди. Бора-бора кечга бориб Икромнинг оғизлари оғриб қоладиган бўлди — ахир кун бўйи куйдирган қалладек тиржайиб юриш, дуч келган одамга табассум ила оғизини тўдириб "Халло! Хай ду ю дў?" деяверишининг ўзи бўладими...

Олис юртдаги эртакмонанд етти ҳафта ҳам ўтди-кетди. Икром она юртга бир олам орзулар билан қайтди. Оқшом палла самолёт қанотлари остида минглаб чироқлари порлаб турган кадрон шаҳарини кўрганда эса қувончдан кўзларига ёш тўлди.

Бироқ кўнгида туғилган орзу бирдан амалга ошиб, ҳаётга татиб қилиб қолвермаслигига Икром эртаси қувонч амин бўлди. Эрталаб ўзининг танловда иштирок этишига барча шарт-шароитларни яратиб берган ишхона-сиданларнинг ҳар бирига атаб олинган соғна-салом ҳамда ташаббусларига қўшқилар билан бир пиёла чўй бериш ниётида ажратиб қўйган пули солинган ҳамма жойланган қичкина рюкзакни орқасига олиб Икром маршрутлар юрадиган бекат томон йўл олди. Йигитнинг вақти чоғ. Ўз юртинга нима етсин! Майли, озуқо чанг-гўбор бўлсин, йўлларини нотекис бўлсин, аммо барибир бу ўзиники-да.

Шундай ўйлар оғушида чет элда ўрганиб қолган одати бўйича оғзи қулғида бекатга келди ва тартибсизроқ равишда маршрут кутаётган йўловчилар охирироғига туриб олишга уринди.

Йўловчилар асабий тарзда йўлга қараб-қараб қўярдилар. Энг олдинда туриб олган, катак қўйла-ғайрашмаган тарзда энли бўйин-боғ тақиб олган қирқ беш ёшлардаги жиккакна, сочининг тепаси тўкила бошлаган йўловчи оғир

уф тортиди ва "Йўл-пўлда ўлиб қолганим булар!" дея гўдакни қўйди. Икром сесканиб кетиб ён-верига қаради, аммо бу ҳажорат йўловчиларга таъсир қилмаганини кўргач, сал енгил нафас олди.

Шу пайт ўттиз ёшлар чамасидеги семизгина, шу ҳолига тор қўйлақ кийиб олган жувон оғир рўзгор сумкасини кўтарганча ҳарсиллаб-пишиллаб келиб қолди. Икром одобли йўловчи сифатида навабтининг охири ўзи эканини билдириб қўймоқ мақсадида жувонга жиммайиб қаради.

Лекин... Жувон шу кунни чап ёни билан турганми ё табиятан сал асабийроқми, ишра қилиб, Икромнинг табассумига жавобан ўқрайиб, ҳаттоки газабланиб қараркан:

— Кўзгинанг тешилсин! — дея қарганиб қўйди.

Йигит кип-қизариб кетганини сездди. Бироқ бунинг билдирмасликка уриниб, ўзини одобли, зинъили йўловчидай тутишга уринди ва чет элда ўрганиб келган одати бўйича яна бир бор жиммайиб қўяркан, сал энгашиб:

— Келинг, сумкагингни кўтаришворай, — деди.

Ҳар қалай, йигит бу таклифни ўта самимий тарзда айтган эди.

Абдуқамол Йўлдошев



Аммо... нимагадир қўчиб кетиб, ўзини четта олган жувон Икромга адоқсиз нафрат аралаш газаб билан қаради-да:

— Торт-э қўлингни! — дея ўшириб берди.

Икром ёрдам учун қўлини чўзган ҳолида мустар бўлиб туриб қолди. Аммо бир амаллаб жимлайишга уринди. Ҳарнинг келганидек, Аёлнинг кескин овози бошқа йўловчиларнинг ҳам эътиборини тортди шекилли, улар шу томонга ўгирилиб қарашди. Икромнинг юзигада табассум семиз жувонга ёмон таъсир қилдими ё у мени мазаҳ қилаётган деб ўйладими, ишқилиб, кўзларининг пахтаеси қичқанча йигитга қараб энди очик-ошкор бақириб-ҳарганиб берди:

— Гап отаман десанг ёш қизлар куриб қолганим, ерғина ют-кур! Онанг тенги хотин бўлсам!

Икромнинг бўлари бўлди. Нимадир деб ўзини оқлайин деса, лабини жуфтлаша жуфтлади-да, тилига сира гап келмади. Ҳа, тўқматинг торти оғир буларкан... Бу орада боғия жиккакнага одам гавдасига ярашмаган тарзда йўгон овозда гапга қўшилди:

— Маняк бу, синглим, маняк. Бунақалар бизга ўхшаш... нима десам экан... лумбиллаган, дўндиқиналарни поймаб юрадуйоради-да, ана ундан кейин...

Бу гапни эшитган жувон баттар кутуриб кетиб, йигитга бор газабини соча бошлади:

— Санга кўрсатиб қўйман бегона хотинга гап отиш қанақа бўлишини! Яна иржайиб турганига ўлайми!.. Қўлидан ҳеч нарсаси келмайди деб ўйладингми? Келди, шундаям келадими!

Орага яна катак қўйлақли йўловчи қўшилди:

— Милицияга бервориб керак бунақаларни! Касалиниям айтиш керак.

Йўловчилар гапа-говур қилиб бу фикрни маъқуллай кетишди. Энг ёмони — уларнинг барчаси Икромга нафрат билан, ёб юборгудай тикила бошлашарини...

Хайрият, Икромнинг бахтига шу пайт маршрут келиб қолдию, йўловчилар ўзларини унга уришди.

Шунча олдинда тургани билан, галстукли киши биринчи бўлиб машинага чиқа олганини боисми, йўловчилар орасида бўғилиб бақириб-чақирарди:

— Коч! Коч дейман! Инсофинг борми, номард!.. Туртма! Туртма мени!..

Барибир, уч-тўрт йўловчи машинага симғай қолди. Энг охирида келганига қарамай, машинага

Қандайдир адолатсизлик, бемазни тушуновчилик юз бераётгандай эди. Ахир Икром... Бор-йўғи хорижда кўрганларини...

Йигит унинг босиб бекатга қайтди. Унинг қайфияти расвоий раддиболо бўлиб кетганди. Бунақа ахволда жиммайиб бўладими? Яхшиям бекатда узидан бошқа ҳеч ким қолмаган. Акс ҳолда ўлганнинг устига тепган бўлиб...

Шу пайт Икромнинг ёнгинасида машина сигнал чалди. Йигит қўчи шу томонга қаради. Охири кетган сариқ "Жигули". Ҳайдовчининг ёнида бир йўловчи ўтирибди. Урта ёшлардаги, қорувли ҳайдовчи ойнадан бошини қичариб:

— Қаёққа борасан, ука? — дея сўради.

Саволнинг дўқ аралаш берилганиги, бунинг устига таскичининг умрида биринчи марта кўриб турган одамга "сен"-лаб мурожаат қилаётгани сал оғир ботган бўлса-да, Икром ўрганиб қолган одатига кўра ёлғондан бўлса ҳам беҳиётчи жимлайди ва манзилини айтиди.

Таскичи ўйланч қолди. Сўнг: — Йўли тексари экан, — деди негадир баттар қовоғи уйлиб.

Майли. Соққасини қилишас ташлаб қўйман? — деб эътироз билдирмоқчи эди, аммо вақтида тилини тишлаб қолди.

Усал бўлган Икром йўл бўйи мик этмай келди. Ҳайдовчи кўпроқ пул сўрамаганининг аламини олгиси келдими, ичкарига қайрилиб ўтирмай, машинасини катта йўл бўйида, ишондан анча бериди тўхтатди. Икром пулни узатди ва барибир индамай тушиб кетдиси келмасдан "Раҳмат!" деб қўйди. У эшикни ёлаётганда ҳайдовчининг яна пихиллаб қулганини ва "Булар чакса шунчақ одобли бўлиб қолишадиган", деганини эшитди.

Икром ишхонасигача даярли бир бекат масофани пиёда босиб ўтди. "Сўтдан оғзи қуйган қатикни ҳам пуфлаб ичадиган" деганлардек, энди у атрофга, қаршиқидан пешовез чиқаётган йўловчиларга алланечук ҳадисираб қарай бошлаганди.

Ниҳоят, ниҳоят ишхонанинг музаам биноси кўринди. Енгил тортган Икром қўсини тўдириб нафас олди ва яна бир неча дақиқадан кейин ҳамкасбларига совғаларни қандай улашинини, тушлик маҳали эса қаҳвахонада бир пиёла чўй, аниқроғи тўқун дастурхон устида сафар тасассу-

ган маҳал шундоқ ёнида аёл киши пайдо бўлганини кўрди. Бу беҳиётчи юз берди. Хатто Икромнинг ўзи ҳам сезмай қолди.

У ортага ярим қадам кечинди ва жувонга жиммайиб қараб, уни олдинга ўтказиб юбормоқчи бўлди. Бор-йўқ ниҳоти шу эди унинг. Ахир дунёни кўриб келди. У юртларда аёл кишилар жамоат транспортига наватсиз қилишадиган. Аёл кишига ҳурмат дегандай...

Аммо... Жувон бирдан тўхтади ва ўзига жиммайиб боқиб турган йигитга қараб шарта:

— Одам кўрмаганисан, бунча чакчасан, хариш! — деди. Йигит тамомила довидираб-эсанкираб қолди. Хатто табассуми ҳам юзидан сидирилиб тушди.

Бир гап билан нотаниш "ухабёр"ни боллаганидан мамнун бўлган жувон лигиллаб автобусга чиқиб олди. Эшик қаршиллаб ёпилди. Автобус чанг кўтарганча ўрндан оғир кўзгалди.

Кимдир боллаб тасарки туширғандай икки чаккаси ловулаётган Икром жойида бўшашиб туриб қолди.

Қандайдир адолатсизлик, бемазни тушуновчилик юз бераётгандай эди. Ахир Икром... Бор-йўғи хорижда кўрганларини...

Йигит унинг босиб бекатга қайтди. Унинг қайфияти расвоий раддиболо бўлиб кетганди. Бунақа ахволда жиммайиб бўладими? Яхшиям бекатда узидан бошқа ҳеч ким қолмаган. Акс ҳолда ўлганнинг устига тепган бўлиб...

Шу пайт Икромнинг ёнгинасида машина сигнал чалди. Йигит қўчи шу томонга қаради. Охири кетган сариқ "Жигули". Ҳайдовчининг ёнида бир йўловчи ўтирибди. Урта ёшлардаги, қорувли ҳайдовчи ойнадан бошини қичариб:

— Қаёққа борасан, ука? — дея сўради.

Саволнинг дўқ аралаш берилганиги, бунинг устига таскичининг умрида биринчи марта кўриб турган одамга "сен"-лаб мурожаат қилаётгани сал оғир ботган бўлса-да, Икром ўрганиб қолган одатига кўра ёлғондан бўлса ҳам беҳиётчи жимлайди ва манзилини айтиди.

Таскичи ўйланч қолди. Сўнг: — Йўли тексари экан, — деди негадир баттар қовоғи уйлиб.

Майли. Соққасини қилишас ташлаб қўйман? — деб эътироз билдирмоқчи эди, аммо вақтида тилини тишлаб қолди.

Усал бўлган Икром йўл бўйи мик этмай келди. Ҳайдовчи кўпроқ пул сўрамаганининг аламини олгиси келдими, ичкарига қайрилиб ўтирмай, машинасини катта йўл бўйида, ишондан анча бериди тўхтатди. Икром пулни узатди ва барибир индамай тушиб кетдиси келмасдан "Раҳмат!" деб қўйди. У эшикни ёлаётганда ҳайдовчининг яна пихиллаб қулганини ва "Булар чакса шунчақ одобли бўлиб қолишадиган", деганини эшитди.

Икром ишхонасигача даярли бир бекат масофани пиёда босиб ўтди. "Сўтдан оғзи қуйган қатикни ҳам пуфлаб ичадиган" д

“ҲАМИША БУ ҚОИДАНИ МАРЪИЙ ТУТУБ...”

Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари бошидан охиригача тарбия китоби. Ундан ватанпарварлик ва мардлик, жасорат ва ростгўйлик, ўлимга тик бориш ва ҳаётни бор гўзаллиги билан севиш, ардоқлаш, андиша ва қаттиққўллик борасида сабоқ олиш мумкин. Асарда тилга олинган 1640 нафар шахсининг хислатлари, хоҳ ижобий, хоҳ салбий жиҳатдан баён этилган, муаллифнинг қарашлари айнан инсон тарбиясига қаратилганлиги билан муҳим.

Бобурнинг ёшлар тарбиясига оид қарашлари

лашди. Қазоқликларда Масчо кўхистонидин Султон Маҳмудхон қошига бормоқ азимати қилгонда Қосимбек айрилиб, Хисравшоҳ қошига борди. Тарих тўқуз юз ўндаким Хисравшоҳни олиб, Қобулда Муқимни қабадим, Қосимбек ул фурсатта келди, яна бурноғидек — ўқ риоят қилдим. Туркман ҳазорасини Дарайи Хушда чопқонда Қосимбек бовужуди қариллик йигитларини яхшироқ юрган жиҳатидин Бангши вилоти ятини жулд бердим. Сўнгра Қобулга келганда Хумоюнга бек атка қилдим” (Ушбу ва бундан кейинги таъкидлар бизники — Х. Қ.).

“Боз гардад ба асли худ ҳамма чиз, Зарри софию нуқраву арзиз

(Мазмуни: ҳамма нарса — хоҳ соф олтин, хоҳ қумуш ва хоҳ кўрғошин бўлсин, барибир ўз аслига қайтади — Х. Қ.)

Бу тарихда дейдурларким, тойиб бўлуб, яхши тарика пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зихир хар нимага илғиги часпондур. Таъби назми ҳам бордур. Манга арзадошти келиб эди, иншош ҳам ёмон эмас”.

Юқоридаги парчада Бобур темирйозда Мирзо Хайдарнинг ҳарбий амалиётини ҳаёт ва ҳаётдан яхши хабардорлиги, бунинг устига таъби назми борлиги, яъни яхши шoirлиги, тарихнавис адиб сифатида шухрат топганлиги, хат-иншоши ҳам нуқсонсиз эканлигини ички гурур билан таърифлайди.

Бирок Бобурнинг ўз ўғиллари Хумоюн, Комрон ва Аскарйи тарбиясидан ҳаммиша ҳам кўнгли тўлган. Улар орасидаги ниҳок, айрим пайтларда душманликкача етиб борган ҳолатлар уни ҳаммиша ташвишга солган. Бобурнинг ўғли Хумоюнга мактуби вафотидан икки йил олдин қўнатишган. Бу даврда Бобур Ҳиндистоннинг шимол-шарқий қисмига эга бўлиб, катта ғалаба ва бойликка эришган эди. Мактубда фарзандлари орқали даврининг барча ёшларига салтанатни асраш учун бир-бирини эҳтиром этиш, қадрлаш зарурлигини, бир наадан тугилган ақауқалар ўртасида арзимас мулк учун душманона муносабат асло йўл қўйиб бўлмайдиган амаллардан эканлигини таъкидлайди: “Сизларнинг жон тортиб, қилч чопмоқ маҳалларингиздир. Қопуду қилч ишни тақсир қилмангиз. Гаронжолок била қоҳиллик подшолик била рoст келмас... Яна сен ўзинг (яъни Хумоюн — Х. Қ.) билур эдунгким, доим бу қолда маръий эди: беш хисса Комронга бўлуб эди. Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош қилгайсен. Анинг ҳам муташаррифи ва яхши йигит қўлубтур, ул ҳам мулозимат ва яқжиҳатликка тақсир қилмағай”.

Бобурнинг бу мактуби ёшлар тарбиясининг барча жиҳатларини ўзига акс эттиргани била муҳим. Жумладан, мактубда фарзандларнинг ўз оталаридан вақтида хабар олмалиги масаласи жиддий ўртага қўйилган. Халқда: “Бир ота ўн фарзандни боқа олади, ўн фарзанд бир отани боқа олмайдир”, деган ҳикмат бор. Бобурнинг ота сифатида Хумоюндан қилган гинаси ҳам шу маънода. Мактубда Бобур Хумоюнни юксак меҳр билан севиши, фарзанднинг бу меҳрни чуқур англамагани, ўзининг ташвишлари билан отасини овора қилгани, бобурйиллар салтанатининг бош вoрисини бўлишига қарамасдан яна отасига “мен ёлғизман”, дея оғизларча ёзирганининг тарбияси сулғиги сифатида баҳоланган: “Яна сендин ороққ қилма бор, бу икки-уч йилдин бери бир қилинч келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлубму? Яна хатларингда ёлғузлик, ёлғузлик, дебсен, подшоликка айбдур, нечүкким дебутларур”.

Агар пой банди ризо пеш гир, Ва гар якувори сари хеш гир.

(Мазмуни: агар жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган хар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган

киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кета-бер). Ҳеч қайде подшолик қайдиҳа йўқтур. Подшолик била ёлғузлук рост келмас”.

Мактуби давомида Бобур ёшлар тарбиясидида энг асосий жиҳат — саводхонлик ҳақида сўз юритади. Маълумки, темирйиллар салтанатида хатту имло билан боғлиқ етук саводхонлик ўта қадрланган. Шу боис, Хумоюннинг хатларидаги имло галатлиги, ҳуснихатнинг ноҳорлиги, мантқий изчиллик таъминланмаганлиги, фикр баёнида уйғунлик йўқлиги ва бошқа қусурлар Бобурни қаттиқ хафа қилган. Мактубдан қўринадики, Бобур бу масалани Хумоюнга бир неча марта айтган, бироқ натижа бўлмагани боис мактуб билан муҳожат этганга ўхшайди: “Яна мен дегандек, бу хатларини битибсен ва ўқимайсен, не учунким, агар ўқур халл қилсанг эди, ўқиймас эдинг. Уқийлмагандан сўнг, албатта, тағбир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўлуб, вале асру муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Илмон ёмон эмас, агарчи хейли рост эмас, “илтифот”ни “то” била битибсен. Қулунки “ё” била битибсен. Хатингни худ хар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур...”

Ушбу мактубдаги ёшлар тарбиясига боғлиқ яна бир нозик жиҳатга диққатни қаратсак. Устунликка, юқорироқ мартабага эга бўлган, номдор аждодларига сўнган, моддий имконияти баландроқ йигитларнинг ёши ва обрўси катта қишлар билан тенгдошлари қатори ҳазл-мутойбага киришшлари ноўринлиги мактубда қатъи таъкидланади. Бобур ўзининг номдор беки ҳазилкаш Хожа Калон билан Хумоюннинг ҳазиллаши шундай муомалада бўлгани учун ўғлига ўришни таъби беради: “Яна, Хожа Калон, менинг била густоҳона ихтилот қила ўрганиб эди, сен доғи, нечүкким мен Хожа Калон била ихтилот қилур эдим, ўшундоқ ихтилот қилгайсен”.

Захириддин Бобурнинг ижод аҳли ахлоқига муносабатида ҳам ёш ижодкорларга нисбатан тарбиявий аҳамиятга молик фикрлар мавжудки, бу қарашлар қўлинча ижодда ҳалоллик, ортиқча гурурларга чек қўйиш каби жиҳатларга қаратилган. “Бобурнома”да Абдурахмон Жомийнинг жиъни, шогирди ва муриди Абдулғаффор Лорий ҳақида сўз юритади, Бобур унинг Жомийнинг “Нафаҳотулунс” асарига баъзи битганлигини таърифлайди ва айна пайтада фель-афортидаги бекарорлиқ, бетайинлики салбий баҳолайди (“Ажаб бетайон ва бетакаллур киши эди. Хар кимни мулло десалар, анинг олида хуаз тортомоқни ори йўқ эди. Хар ерда дарवेश нишон берсалар анинг қошига етмағуна қарори йўқ эди”); ёки Сайфи Бухорийнинг турли касб эгалари ҳақида битган яхши маснавийларини алоҳида таъкидлаб, форсий арузига бағишланган ёшмаларда маъналарга ноқислик борлигини, ўринсиз масалаларга кўп эътибор қаратганини ўқиради. Шу қатори, Сайфи Бухорий ҳақида шундай ёзади: “Яна Сайфиий Бухорий эди... Бир форсий арузи бор, бисёр камсанқандур, бир ҳисоб била асру пурусухандур. Камсухан бу маъни биланким, кераклик нималарни битимайдур. Пурусухан бу маъни биланким, равшан ва зоҳир қилмаларни нуқта ва иъробиғача битибтур. Чоғирни муом ичар эқандур, бадшароқ эқандур. Маъхам зарби мушти бор эқандур”.

Биз Захириддин Бобурнинг инсон тарбияси, айниқса, давр ёшларининг тарбиясига оид айрим қарашларига тўхталидик, ҳолос. “Бобурнома”дан юқоридаги каби мисолларни талайгина келтириш мумкин. Буюк адибнинг ўғиллари замонавий ёшларни юксак ахлоқ соҳиб бўлишига, ноўрин одатлардан қутулишига даъват этиши билан улкан тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор

Жуманиёз ШАРИПОВ

Таниқли ёзувчи ва адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жуманиёз Шарипов 97 ёшида вафот этди.


Жуманиёз Шарипов сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. У 1911 йилда Хива шаҳрида туғилди. Жуманиёз Шарипов ўз адабий-илмий фаолияти давомида кўплаб ижодий ташкилотларда, нашр-ётларда, илмий муассасаларда самарали меҳнат қилди. 1958 йилда “Саодат” номли қиссаси чоп этилди. 1960 — 1976 йилларда яратилган тўрт китобдан иборат “Хоразм” асари ўзбек романчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутди.

Жуманиёз Шарипов Александр Пушкин, Махтумқули, Берди Қербообовнинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган эди. Таржимашунослик масалаларига бағишланган “Бадиий таржаманинг баъзи масалалари” (1957), “Ўзбе-

кстонда таржима тарихидан” (1965), “Бадиий таржима ва моҳир таржимонлар” (1972) тадиққотлари ҳамда энг қадимги даврдан то XX асрга қадар ўзбек адабиётида амалга оширилган таржималар мавзусида 1968 йилда химия қилган докторлик диссертацияси ўзининг илмий қимматини ҳозиргача йўқотмаган.

Адибнинг миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони билан мукофотланган. Яхши инсон, таниқли ёзувчи ва таржимашунос олим Жуманиёз Шариповнинг номи хотирамизда ҳаммиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти



Ўтирган Бобурга айнан Қосимбек сарпарастлик қилган, дипломатия сирларини ўргатган, уни кўпгина вафли вазиятларда кутқарган. Бобур бу шахс ҳақида сўз юритганда унинг ижобий хислатларини ёшларга ибрат этиб кўрсатади. Қисқа, лўнда таъриф-таъсифлар бу шахсининг кўплаб хислатларини теран ойдинлаштирган. Бу таъсифлардан дўста садоқат билан хизмат қилиш, Бобурдек фель-афорти анча мураккаб, аммо инсонийлик билан йўрилган султон хизматида “оҳир умригача ихтиёр ва ёлғиз” орттиришдек хислатга эга бўлиш учун менинг иродага эга бўлиш лозимлигини ўқиш мумкин.

Бобурнинг Қосимбекка берган баҳосида унинг ўзининг шахсияти, ёшларга сабоқ бўлуғи қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Уша замонда аскарлар бир лашкарбоши ёки султондан бошқасига моддий, маънавий, оилавий шароитларидан келиб чиқиб, ўтиб кетишарверган. Албатта, бир султондан бошқасига ўтиб кетган аскар, бек, зобит олдин хизмат қилган султони қалбида маълум даражада салбий таассурот қолдириши аниқ. Аммо Бобур Хисравшоҳга ўтиб кетиб, кейинчалик яна ўзининг хизматига келган Қосимбекка нисбатан кек сақламаган. Бобурнинг бек, аскарлари мардлиги ва шикоятини ҳес вақт эътиборсиз қолдирмагани, хусусан, Қосимбекка бўлган юксак эҳтироми, энг аввало, унинг жасур жанчи, кўркамлиги билан боғлиқдир. Ақли, андиша-лиқ бекинг мардлиги нафақат ёш аскарларга, балки барчага ибрат намунаси бўлган: “Яна бир Қосимбек эди. Қадимий Андижоннинг қўшун бекларидан эди. Ҳасан Янқуббекдан сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Оҳир умригача ихтиёр ва эътибори ортти, ўқумади. Мардона киши эди... Умар Шайх мизроэ қошида қилч чопиб эди. Ясси Кечит урушида ҳам яхши чопку-

Мазлумки, Захириддин Бобур ва умуман темирйиллар даври мафкурасини ислом дини асослари ва ақидалари ташкил этган. Жамият бошқарувида, адолат, саховат, сабр ва ҳалоллик каби хислатларни ёшлар калбига синдириш асосий вазифа бўлган. “Бобурнома” да ҳам муаллиф айнан шу мақсадни хар бир воқеа, шахс характери тасвири орқали ёритишга ҳаракат қилган. Бобур отаси Умар Шайх мизроэ ҳақида сўз юритаган экан, ҳаммиша ҳам унинг ижобий томонлари ҳақида фикр билдирмайди, асариде бошқа шахсларни қандай тасвирлаган бўлса, шундай — бориҳа кўрсатиб беради. Аммо Бобур отасининг исломий эътиқоди қулчилиги, аъмолида ростлик, ҳалоллик голиб эканини, ҳеч вақт биронинг ҳақиқа хиёнат қилмаганлигини ибрат этиб кўрсатади: “Адолати бу мартабада эдики, Хитой қарвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидида тоғларнинг тубида минг уйлуқ қарвонни андоқ қор бостиким, икки киши қутулди. Ҳабар топиб, муҳассиллар йибориб, қарвоннинг жамъи жиҳотини забт қилди. Хар чандиким, вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир йил, икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди. Бисёр саховати бор эрди. Ушукки дағи саховатинча бор эди, хушхул ва хароф ва фасиҳ ва ширинзабон киши эрди. Шужоъ ва мардона киши эди”.

Уша даврда ҳам ёш иқтидор эгаларини тарбиялаш, секин-асталик билан ижоднинг юксак манзилларига етиб боришлари учун шароит яратиш давр султонидан тортиб барча ижодкорларнинг бурчи ҳисобланарди. Захириддин Бобур ҳам Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг XV аср охиридаги шогирд-парварлик мактабини XVI асрда шарф билан давом эттирди, жуда кўп ижод аҳли, турли касб вакиллари, ҳарбий зобитларнинг камолга етишига кўмак берди. Жумладан, унинг “Таърихи Рашидий” асарининг муаллифи Мирзо Хайдарнинг йиринч тарихий олим бўлиб шаклланишидаги хизмати ёшларга бўлган юксак эътиборидир.

Дарҳақиқат, Бобурнинг ёш муаррих ҳаётидаги энг таҳлилки тўрт йилда унга паноҳ бўлган диққатга лойиқ. Кейинроқ Мирзо Хайдар етук тарихчи сифатида ўз асариде Бобур ҳақида кўпгина ижобий фикрлар билдириб, устозига бўлган илқ меҳрини изҳор этган. Зеро, бу ибратли устоз-шогирдлик муносабатларини чуқур ўрганиши ва бугунги ёшлар тарбиясига қаратиш галдаги вазифадир.

Бобур Мирзо Хайдар ҳақида сўз юритаган, Шайх Саъдийнинг бир байтини “Бобурнома”даги насрий матни қувватлаш учун келтириб, шогирдининг қобилиятига баҳо беради:

Туйнаман хелгини қулбаларида, Иемини Учарса тошлар бағридан, Яшайман юракнинг қалъаларида. Кечсалар, кечмишим — минг кеча-қундуз,

Уфқда отсалар ишқман, юракман. Ердан қўққа қараб отаман ялдуз, Кесилсам — гулханман, гулдасам — эркман!

Ижод, жумладан, адабиёт — кашфиёт, янги бир сўз, ярқ этган бир ибора, деган мезондан келиб чиқсак, тўпламда янги ташбеҳ ҳам, мажоз ёхуд қиёс ҳам топамиз. Мана улардан айримлари: “Ховлингни тўлдириб йиллар ҳазонлар...”, “Ун тўққизининг сочлари оппоқ...”, “Исмингни ёзмаман тонгда Қуёшга...”, “Дарахт каби эқдим сўзимни...”, “Томиримда оқар шивиринг...”

Маълумки, дунё олами кабир ва олами сағир, дея икки бўлакка бўлинади. Олами сағир, яъни кичик дунё — биз яшаётган коинот. Шойра ўзини ана шу коинотнинг кичик бир парчи қилиб кўради.

Китобнинг сўнги саҳифасини ёпасиз. Бир неча лаҳза шоиранинг ўгли тугёни сизга ҳам кўчиб ўтгандек бўлади. Рухиятингиз заъфиёқ хислардан сув ичади. Демак, шоира бекорга куйиб-ёнамади.

Хуллас, Адиба Умиrovанинг “Қуёшга йўл” тўплами китобхонлар учун ажойиб тўғфа бўлибди. Қалбимизда меҳр-муҳаббат оловлари мангу ёнар экан, биз хар доим мана шундай яхши шёрларнинг харидорини бўлиб қолаверамиз.

Саъдулла СИЕВ

Доминий ҳамроҳ

Яқинда Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан таниқли адабиётшунос олим ва драматург Шухрат Ризаевнинг “Маънавий манзиллари” номли китоби чоп этилди. Уч фарзанд таркиб топган маъзур китобнинг “Кўнгли экинлари” қисмига муаллифининг ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хамса” асари оҳанглариде ёзган “Искандар” номли драмаси, “Она” драматик ривояти ва

“МАЪНАВИЯТ МАНЗИЛАРИ”

замонавий ёшлар ҳаёти тасвирланган “Дискотека” пиесаси қамланган. “Маъзур китобга кўнгли экинлари бўлган маълум киши, адабиёт оламидаги айрим ҳодисалар, илмга, изланишга рағбат берган устозлар ҳақидаги адабий-танқидий битик ва хотираларни, ташаккур ва таважжухларини жамламоққа журъат қилдим”, деб ёзган муаллиф китоб сўзгизади.

Дарҳақиқат, тўпламнинг иккинчи “Тафаккур эҳтиёжи” қисмидаги мақолалариде Ш.Ризаев миллат равнақи йўлида фидойийлик кўрсатган буюк маърифатпарварлар, халқимизнинг атоқли фарзандлари Маҳмуджўза Бехбудий, Саидхамид Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Авлоний хатлари ва фаолиятлари доир кузатишларини, устоз адабиётшунос олим ва адиблар Шухрат, Озод Шарофиддинов, Улмас Умарбеков, Беғали Қосимовнинг илмий, адабий фаолиятлари, юксак инсоний фазилатлари ҳақидаги эътирофларини баён этган. “Маънавият манзиллариде бири” мақоласида эса таниқли адиб Эркин Аъзам асарлари таҳлилий эътибор қаратилган.

Китобнинг “Хайрат таважжухлари” номли учинчи қисмида санъаткорлар фаолияти, миллий театрини ва киномизнинг изланиш йўллари, маъзур соҳаларидаги ютуқ ва камчиликлари, янгилаштирилган ҳақида фикр юритилган. Тўпламга Илҳом Зойир муҳаррирлик қилган. Адади уч минг нусха.

КЎНГИГА ЙЎЛ

Адиба Улиғиша



Инсон дунёга келибоқ онасидан алла эшитида. Бу — шёр. Тўй-томшалардаги жонўртлар улавларимиз, айтишувларимиз, лапарларимиз — шёр, тўғирогий, шёрнинг қаймоғи. Халқнинг лафзидеги минглаб мақоллар, ҳикматли сўзлар, маталлар, топилмоғу чистонлар ҳам шёр ила йўрилган.

Бу мухтасар сўзимдан муқддо адабиётимиз гулшанида ўз овозига эга, истеъдодли шоира Адиба Умирова борасиде беш-олти оғиз сўз айтиши. Очиғи, Адибанинг янги китобини истихоло билан қўлга олдим. Бунинг боиси бор. Сўнги йилларда адабиёт майдониде биз ҳам шоиримиз, дея даъво қилувчилар кўпайиб кетди. Албатта, хар бир хиргойичини ҳам шоир, деб аташ қийин. Аммо Адибанинг биткиларини бундан мустасно. Унинг китобини иккиланчи ва рақлаган бўлсам ҳам бора-бора шёр уммонига шўнги кетганини сезмай қолдим. Китоб “Қуёшга йўл” деб номланибди. Бунда ҳам рамзий маъно бордек. Шоиранинг жисми жонини ўртаб, қўлга қалам тутқазган тўғуларни нур ила йўрилган, кечинма-

лари, изтироблари шоғ рангин, гоҳ хазин, аммо улар ҳамма эмас, тонгга мойил, шунинг учун фараҳли ва умидбахш.

Адибанинг китобини бир сўз билан дилнома, дейиш мумкин. Шоира сиз билан энг яқин дўстидек юракдан дардлашади. Ҳеч нарса сир сақламайди. Йиғласа — юракдан йиғлайди, кулса — хандон отиб юракдан қулади. Тўпламдаги “Кема” шёриде ўшадан мисралар бор:

Шамоллар бир зумда кўтарар тўфон, Оху нолаларим қўққа етади. Ёнимда туриб ҳам сезмай қолсан, Мени оқ кемалар олиб кетали...

Тўпламдаги хар бир шёр кўнглига яқин. Китобхон юрагига сингиб кетади. Адиба юрагиде кеч-қундан тўғирогий аслича қоғозга кўчиради. Яна бир муҳаббат ҳақидаги шёриде:

Сениг эзинингдадир жону жаҳоним, Юракман, исёман, ишқман бор-йўл. Нега кўларимдан излайсан хато, Узи бу дунёнинг қаери тўғри?! — дея хитоб айлайди. Суюкли Ва-тан, муқаддас тупроқ, тугилган Она юрти ҳақида сўз кетса, Адибанинг тили яна бийронлашади, дили ҳаёжонга тўлади. Мана бу байтларга эътибор қилинч. Уларни “Бир шёр излаётган” ёш каламқаш эмас, назм бўстонида анча йиллар сайр этган тажрибали қалам соҳибни битгандек туюлади.

Дарларим нақдек эшавераман, Ховучлар йиғилмас соҳилларимни. Осмондан ўраб қоқилларимни... Ёдини уйғотиб Қашқадарёнинг,

Александр ФАЙНБЕРГ

ҚЎШНИЛАРИМ

ВАХОБ АКА ШУКУР

Хайқириб, тошдан-тошга урилиб, чор-атрофга сачраб, шовқин солиб оқатган тоғ дарёсини кўрганмисиз? Бу манзара менга ўзбекларнинг “Арава куруқ бўлса, шовқини оламини тутайди”, деган мақолини эслатади. Дарё қанчалар чуқур бўлса, у вақим, симиллаб, ҳаёлингизни бузмай оқади.

Ваҳоб Рўзиматов адабиёт оламининг, Шукр Холмирзаев билан қадрдон эди. Сурхон кенгликлариде туғилиб ўсган бу биродарининг кенг ва очик қалби, факуллатда ўйчан ва чуқур маъноли мулоҳазалари, қутилмаганда ҳамла қилиб қоладиган аёвсиз қатъияти ва яна, бошқа қай хусусиятларини айтсам экан, умуман, одамозулини, жұмардигини менга ёқар эди. У менинг хотирамга худди шундай муҳрлиб қолган.

Адабиётшунос эмасман, Шукрунинг қўпдан-қўп асарларига, аҳтимол, олимлардек баҳо бера олмаган, аммо унинг китоблари хануз мароқ билан, янада тўғри ва аниғи, соғинч туйғуси билан ўқилаётганидан хабарим бор.

Биз битта уйда истиқомат қилардик. Аммо, айтишим керакки, ҳам учрашардик, қўришиб қолганимизда фақат адабиёт ҳақида эмас, инсон зотиға тааллуқли ҳамма нарсалар ҳақида қисқа-қисқа сўзлашардик. Унинг баъзи фикрлари мени хайратга соларди, бунақа мулоҳазалари бошқалардан эшитиб бўлмас.

Бир гал телекўрсатувлардан бирида қатнашди, адабиёт муаммоларига таллуқли баъзи фикрларини баён қилгандим. Эртасига Шукр мени лифт олдиде учратиб қолди шундай деб қолди: — Кеча телевизорда гапларингни эшитдим. Бу ярамас, йлгон-яшқ ара-лаштириб, гапни қачон чувалаштираркин, деб охиригача қутиб ўтирдим. Чу-валаштирмадинг-а, своллош.

Қутилмаган бундай баҳодан хурсанд бўлиб кетдим. Қани энди, ҳаммамиз ҳам мана шунақа — гапни чувалаштирмайдиган ярамаслардан бўлсак. Шукр йлгонни ёқтирмади. Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам, ҳамма нарсаларда! Бирор ким мижговлиқ қилаётган бўлса, уни дарров тўқтарди, шуқорона “лутф”-лари билан эсини кiritиб қўрди.

Шукр ҳақида гапирганда, унинг машҳур шляпасини эсламаслик мумкин эмас. Узи шунақа — истеъдодли одамларнинг ҳаммушарифи ва яна ҳаётининг ҳам чуқур билимдонларидан эди. Мен уни бирор марта бўлсин, қўлини паҳса қилиб, қимилардан балан овозда даки бераётган, минбарга кўтарилиб, жон ҳолатда ким биландир баҳслашаётган, баъзи ҳамкасбларимиз каби, бўлар бўлмагас асабийлашиб, оғзидан нордон-чучук гаплар чиқаётган ҳолатда кўрмаганман. Ишончим комилки, сиз ҳам кўрмагансиз. У бундай қилмасди, ичиде қуйиб-пишарди ва, асосан, ўзи маъзур кўрган иш билан шугулланиб юрарверарди. Гарчи, кўп нарсаларни бошқалардан яхшироқ билса ҳам, таржималарни қойиллатиб қилса ҳам, му-собақалашсини, ютиб чиқсини сира ўйламасди. Бундай нарсалар Ваҳоб аканинг ҳаёлиға ҳам келмасди. Ҳаётда шунча йил яшаб, ҳасад нималигини билмаган, бу кўчага бирорс бўлсин, қириб чиқмаган ҳамкасбларимиздан бири — шу Ваҳоб ака эди. Бир уйда яшовчи қўши сифатида мен унинг яна бир фазилатиға кўп бор гувоҳ бўлганман — устоз бошқаларнинг ютуқларидан бағоят қувонарди, яхши нарсани ҳаммиша яхши дегуши эди. Аммо бирор камчиликка дуч келса, азбаройи худ, ҳеч кимни яёб ўтирмади. Бир санчиб олмаса кўнгли ўрниға тушмасди ҳам.

Ваҳоб аканинг ҳаёти мураккаб кечди. Аммо бошиға оғир мусибат тушган кезлари ҳам ўзини йўқотмади, мен хатто бирор кишиға тақдиринг ногаҳоний ларзаларидан шикоят қилганини, ҳеч бўлмаса ичини бўшатиб олганини ҳам билмайман. Бунақа қилолмайдин одам эди Ваҳоб ака.

Адабиёт мухлислари устозинг бадиий таржима соҳасидеги хизматларига аллақачон баҳо бериб бўлишган. Ўзбек китобхонлари Пушкинни, Лев Толстойни, Чеховни, Фёдор Достоевскийни, Шолохов, Тихонов, Симонен, Светлов ва яна бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарларини Ваҳоб аканинг таржимасиде ўқидилар. Ваҳоб ака ҳамроҳлиғиде пахта даласини бориб кўрган Ярослав Смеляков ҳеч иккиланмай тиз қўчиб... кетмоқни ўпганини биласизми?

Александр ФАЙНБЕРГ

ҚЎШ

# ҚИРҚ ЙИЛЛИК САБОҚ

Театр ҳам худди одамга ўхшайди: тугилиш, болалик, ёшлик, камолот пиллаояларини босиб ўтади. Йиллар давомида тажриба тўплайди, мухлислар орттиради, эътирофга сазовор бўлади. Узининг қирқ йиллигини нишонлаётган ўзбек давлат драма театри (собиқ Аббор Хидоятлов номидаги театр) сахнаси ўтган давр мобайнида актёр ва режиссёрларнинг бир неча авлодини камолга етказди.

Бугун уларнинг кўллари орамида бўлмас-да, қирқинчи мавсумга йиғилган уч авлод вакиллари экрандан уларнинг овозларини эшитдилар, «Учрашув», «Ун саккиз ёшлилар», «Дуэл», «Беш кунлик кўёв», «Отинмаган ўк» каби дастлабки спектаклларнинг тарихий фотосуратларини ҳаяжон билан томоша қилдилар.

Саҳнада турли авлод саҳна-торларини томошабинлар олқишлар билан қарши олдилар, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ҳаммадан кўпроқ қарсак чалди. «Бугун ўз ҳамкасбларимдан олқишни аямайман, — деди у. — Бизга ўзимиз хизмат қиладиган томошабинлар билан биргаликда актёрларга қарсак чалиш доим ҳам насиб этавермайди. Ўзимни гўё ёш актёр вақтида саҳнага чиққан давргаидек ҳис эътиман, бу оқшом бутун ҳаётим кўз олдидан кино лавҳаларидек ўтаяпти. Сўз билан таърифлаб бўлмас ажиб ҳис-ҳаяжон бу».

Уша даврларда ёшлар театрининг очилиши ҳақиқий шов-шув бўлган. Ҳаммаси бу саҳнада илк бор юз берарди, гўё таъриба театри эди бу даргоҳ. Баъзан тушундилар, баъзан эса матбуот, театршунослар, ҳатто томошабинлар ҳам театрни танқид остига олдилар. Лекин театр ўз ижодий йўлидан борди ва ютқазмади. Айнан шу театрда чет эллик режиссёрлар асарлар саҳналаштирилди. Бу даргоҳда жаҳоннинг Брехт, Пушкин, Думбадзе, Макаёнок, Диома, Шекспир каби буюк драматургларнинг мураккаб асарлари саҳна юзини кўрдик.

Мазкур театр сахнасида 10, 20, 30, 40 йил илгари ижод бошлаган актёрлар учрашдилар бу



Ф. ФАХРУТДИНОВА Муаллиф ва Р. Исмолов олган суратлар.

оқшом, бугун ёнларда бўлмаган Т.Режамов, З.Садриева, Ш.Азиева, Э.Масафоев, Ҳ.Йўлдошев ва бошқа кўпгаб саҳнакорларни ёд этдилар.

Ўтган давр мобайнида театр турли ижодий жараёнларни бошдан кечирди, лекин ўз томошабини йўқотмади. Бугун театр янги ҳаяжон билан яшамоқда. Унинг шиномали «Чеча», «Қайтар дунё», «Аяжонларим», «Эски муҳаббат», «Ҳаёт барибир гўзал», «97-хона», «Этик кийган мушук» каби спектакллarga келадиганлар билан гавжум. Театр ижодкорларини сафарларда ҳам интиқлик билан кутдилар. Аслида саҳна ана шундай томошабинлар ҳақиқ-хурмати учун ҳам яшайди.

Ҳозир, ҳеч кимни унча-бунча кашфиётлар билан ҳайрон қолдириб бўлмайдиган XXI асда ҳам театр яшаётган, томошабинлар фикри ҳаёлини банд қилаётган экан, демек, бу саҳна россана мўъжиза. Ҳали яна неча-неча ўн йиллар театр деб аталмиш бу мўъжиза пардаларини кўтариб, мухлисларни ўзига чорлайверади.

Ф. ФАХРУТДИНОВА  
Муаллиф ва Р. Исмолов олган суратлар.

Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов дурадгор уста Раҳим ота оилисида ўсиб-ўлади. Отасининг устахонасида радиокарнай бўларди. Матёқуб сал буш вақт топса, шу радиокарнай ёнига келиб бутун евуҷуди билан ашула тинглади. Қўшиқларни қайта-қайта тинглаб ёдида қолгандайим, ўзича хирзои қилиб юрарди. Отаси унинг бундай завоқлаб юришларини кўриб, «Ўзимнинг касби-коримни ўргатмоқчи эдим, лекин Матёқубжон ўзим санъат йўлидан кетмоқчиға ўхшайди. Санъатнинг ноёнсиз майдонида ўз ўрнини топа олармикан?» деган хавотирға ҳам борарди.



К.АМИНОВ, Ичон-қалъа музей-қўриқхонаси бўлим мудири, А.БЕКЧОНОВА, илмий ходим

## МАНГУЛИККА ДАХЛДОР УМР

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари Матёқуб баддий ҳаваскорлик тўғрисида фаол аъзоси эди. Урган давлат педагогика институтида ўқиб юрганида ҳам жамоат ишларида қатнашар, айниқса, дилрабо кўшиқлари дилларга завқ-шавқ бағишларди.

1949 йили театр илк бор Тошкентда гастролда бўлди. Урта Чирчиқ туманидаги майдонда концерт бердилар. Концерт бригадасига Комилжон Отаниёзов бош эди. У тўпланган халойиқ олдига Матёқуб Раҳимовни бир жуфт қўшиб айтишга таклиф қилди. «Ажойиб овозинг бор, — деди Комилжон уста, — қани, мана шу майдонда ўзингни бир кўрсат! Хоразм санъатидан буларни баҳраманд қил! Сен бунга қодирсан!» Шундай улуг санъаткорнинг далдаси билан илк бора саҳнада

### Яхшилар ёди

қўшиқ куйлади. Нафис, ёқимли овози боғлар оша узоқ-узоқларга таралди. Қўшиқ тугаши ҳамон атофони қарсак тугиб кетди. Уша пайтлари Урта Чирчиқ туманида хоразмлик Норжон Абдуваиломов ва котиб бўлиб ишлайтган эди. У Матёқубга гулдаста бераётди: «Яша ука, юртим нафасини олиб келгандай бўлдинг. Мана бу ўтир-қан, тикча турган ўн мингдан ошиқ томошабин ҳам Хоразм қўшиқларини мириқиб тинглаб ҳузурланди. Илоҳим, санъатинг бундан-да гуркираб-яшнайверсин! Саҳналарнинг, тўйларнинг тўридан ўрин ол!» дея эзгу истаклар билдирди.

Матёқуб шундан кейин бу янгилик истак ва тилакларни кўп эшитди. Ёлғиз қолган пайтлари ҳаёл сурур, халққа ўзи хоҳлаётганидек, юрак амири, қобилияти даражасида хизмат қилаётганидан афсусланарди. Охири бир қарорга келиди ва ўз аризасига биноан театр директори лавозимидан бўшади. Энди у театрда актёр ва аяххон хонанда бўлиб ишлай бошлади. Хоразм мумтоз музыкаси намуналаридан «Тани мақом», «Насри Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Талқини Наво»,


саҳна мактабиди директор бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада бўлса-да, шоғирдлари билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда бош-қош. Отанаазар Матёқубов Ўзбекистон санъат арбоби, Тошкент давлат консерваториясида таникли муסיқашунос-педагог. Ботир Раҳимов Ал-Хоразми номидаги Урган давлат дорифунқинининг муסיқа бўлими муаллими.

Умрини санъатга бахшида этган, санъатсевар фарзандларини камолга етказган Матёқуб Раҳимов таваллудининг 90 йиллиги хотираси кунларида санъат ахли унинг сабоқларидан баҳраманд бўлмоқда. Ичон-қалъадаги «Санъат музейи»да Ўзбекистон халқ артисти М.Раҳимов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган бўлим янги маълумотлар билан бойитилмоқда. Зеро, санъатга бахшида умр мангуликка дахлдордир.

К.АМИНОВ,  
Ичон-қалъа музей-қўриқхонаси бўлим мудири,  
А.БЕКЧОНОВА,  
илмий ходим

## МАТОЛАРДА ЮРТ НАЧАСИ

Миллий матоларимиз илк ўрта асрлардаёқ бутун Шарқда машҳур бўлган. Мато тайёрлаш халқнинг турмуш тарзи билан чамбарчас боғланиб кетган. Баддий тўқимачиликнинг алоҳида мактаблари шаклланган. Хусусан, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Наманган, Шаҳрисабз каби шаҳарларда қоричи сифатли матолар тайёрланган.




Пойтахтимиздаги амалий санъат музейида ўтмишда тайёрланган ана шундай матоларнинг энг сара намуналари намойиш этилмоқда. «Парвозда» деб номланган бу экспозиция ривожланиётган мамлакатлар билан ҳамкорлик НIVOS Нидерландия ижтимоий институти ҳомийлигида ташкил этилди. Музей лойиҳаси раҳбири — Турғун Дўстоев, лойиҳа муаллифи ва ижрочи Виктор Вяткин.

Музей залларидаги бу янги экспозицияга қирқдан ортиқ турдаги матолар қўйилган. Дастлаб станокли графика кўринишидаги алоҳида оригинал мато намуналарига кўзингиз ташла. Булар ҳам маълумот бериш, ҳам образ ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Экспозиция яратувчилар ижодкорлар илҳомига туртки беришга хизмат қилувчи матоларнинг кенг имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Эътибор бериб қараган одам бу ерда замонавий модерн санъатнинг асли манбаини, ўзбек миллий санъатининг замонавий раб санъати билан алоқалари асосини кўради.

Кейинги босқичда матолар тўрт ярим метргача баландликда, бор бўйи билан ташланган ҳолда қўйилган бўлиб, гўё тўқимачилик станогидида иплар ҳаракатини эслатади. Матоларнинг шифт бўйлаб катта ҳажмда жойлаштирилиши, махсус танланган ёриткичлар газламаларга янгича бир назар билан қараш имконини беради. Газламаларнинг тайёрланиш жараёни рамзий ва образли тарзда кўрсатиб берилган.

Л.ЛЕВТЕЕВА



Кўшиқчи ҳам, ижрочини ҳам элга танитишда муסיқанинг, шу муסיқани чулуларда маромига етказиб чаладиган созандалик ўрни беқисс. Асл созандалар эса жўровозсиз ҳам танкили бўлиб кетадилар. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Беқисс созанда-ларнинг энг ёрқин вакиллари-дан бири Турғун Алиматовни бугун чет элларда ҳам жуда яхши билдилар, санъатини ҳурмат қилдилар. Сўнгги йилларда бундай созандалик сафи кенгайиб бормоқда.

лат Маданият институти профессори Тоҳир Йўлдошевдир. Ёшлигидан миллий сола-ризмизга, айниқса, рубоб чолғусига қизиқиши катта бўлган Т.Йўлдошев Ҳамза номидаги муסיқа билим юр-тига ўқишга кириб, қашқар рубоби мутахассислиги бўйича устоз В.Василев синфи-да сабоқ олди. Консерваторияда қашқар рубоби чолғу-

келиб, институтда «Нилуфар» номи акамбл ташкил этди. Ўттиз йилдан буён унинг раҳбарлигида фаолият юритаётган ансамбл Болгария, Руминия, Чехословакия, Япония, Хиндистон ва бошқа хорижий мамлакатларда ўзбек ижрочилик санъатини намойиш этди. Шунини айтиш керакки, Маъмуржон Тўхтасинов, Фиёс Бойтөв, Анвар Ганиев, Эркин

## СОЗАНДА ВА МУРАББИЙ

си бўйича профессор Каримжон Азимовдан созандалик сир-асрорларини ўрганди. Иш фаолиятини филармониянинг «Гўзал» ансамблдан созандаликдан бошлаган Т.Йўлдошев ҳамкасблари кўмагида ва ўзининг савий-ҳаракатлари тўғрисида 1974 йили республика созанда ижрочилар танлови совриндори бўлди. Кейинги фаолиятини Маданият институтининг «Халқ чолғулари» кафедрасида да-вом эттирди. «Гўзал» ансамб-лида ортирган тажрибаси қў-

Қайтаров сингари танкили хонандалар «Нилуфар»дан катта саҳна сари парвоз қилганлар. Устоз созанда институтининг «Чолғу жамоаларига раҳбарлик» ва «Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик» кафедраларида талабаларга аф-фон рубоби, қашқар рубоби ҳамда уд чолғулариди ижро этиш сирларини ўргатибгина қолмай, касб маҳорати, устоз-шоғирдик аъёнлари, касб-га сadoқат ва ишга масъуляти каби фазилатларни ҳам синг-диришга ҳаракат қилмоқда.



«ТЕАТР» 2008 йил, 5-сон

«Театр» журналининг янги сони Президент Исрол Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги таъриқ сўзи билан очилди.

Кейинги саҳифаларда Ватанимиз мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносибати билан Ўзбекистон Президенти Исрол Каримов Фармониға биноан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган маданият ва санъат ходимлари рўйхати билан танишасиз.

Ёшлар йили муносибати билан журналнинг ушбу сонидида истеъ-додли ёш санъаткорларнинг из-ланишлари, қўлга киритаётган ютуқларига кенг ўрин берилган.

### Журналларини вақарлағанда...

Жумладан, «Ёшлар йили» «Нихол-лари», «Лола» — баҳор элчиси (Н.Ашууров), «Умидли актёр» (Б.Исмолов) мақолаларида қўшиқчилик санъатимизда, театрларимиз саҳна-сида буй кўрсатаётган иқтидор-ли ёшлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Сурхондарё вилоят театри фаолиятининг ўрнатқилари жихат-лари ёритилган профессор Т.Исмоловнинг «Орзулар ушалмоқда», таникли адабиётшунос олим Н.Каримовнинг «Мирзо Улугбек»нинг тугилиши, режиссёр М.Муҳамедовнинг «Саҳна теварағи-да...», атоқли шоир Рамаз Бобо-жон драматургияси ҳақидаги про-фессор Х.Абдусаматовнинг мақо-ласи ҳамда машҳур артист Роза Каримова фаолиятига бағишлан-ган бадиҳа «Театр» журналининг маъзур сони мундарижасига ранг-баранглик бағишлаган.

Шунингдек, «Ижод ва изла-ниш», «Санъат ва спорт», «Актёр-лар ва роллар», «Вилоят театрла-рида» сингари рунқларда ҳам санъ-атимиз фидойилари, бугунги кун саҳна муаммолари ҳақида серма-сун мақолалар босилган. «Шеъ-рийят ва санъат» рунқиди эса Ўз-бекистон халқ шоири Тура Сулаймон ижодидан намуналар берилган.

Бухоро шаҳрида «Ёшлар йили»га бағишланган кўриқ-танлов-да истеъдодли ёш раққос ва раққослар кашф этилган Республика халқ ижодиёти ва мада-

## РАҚС МАЛИКАЛАРИ

ний-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан уюшти-рилган ижодий самараси бўлди.

Шу йил 28 октябрдан 1 нояб-рга қада Корақалпоғистон Рес-публикаси ва вилоятларда фаоли-ят кўрсатаётган бадий ҳаваскор-лик рақс ансамбллари балетмей-стерлари учун бўлиб ўтган ўқу-масгулотлари Миллий рақс ва хореография олий мактабининг малакали ўқитувчилари ҳамда ўзбекистон халқ артистлари, про-фессорлар Гули Ҳамроева, Қун-дуз Мирқаримова, катта ўқитувчи-лар Таймурад Тикоев ва Сайёра Тураевага олиб бордилар.

Миллий рақс ва хореография олий мактабиди ўтказилган маъ-зур тадбирдан кўзланган асосий мақсад бадий ҳаваскорлик санъ-атини ривожлантириш, ҳаваскор-лик рақс ансамбллари балетмей-стерларига амалий-услудий ёрдам кўрсатиш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш, машҳур рақс устаси Мукаррама Турғун-боева саҳналаштирган рақсларни тиклаш ва ўргатишдан иборат.

Ўқу-масгулотларда балетмей-стерлар Юлдуз Бурхонова, Гул-чеҳра Ҳайдарова (Фаргона), Дил-

бар Рустамова (Навоий), Ширин Эшнйезова (Хоразм), Холжон Мадраймова (Корақалпоғистон), Гулноз Сайидова (Сурхондарё), Дурдона Исмоилова (Навоий),

самблларининг иш фаолиятлари-ни ўргандилар, Тамарахоним му-зейида санъатшунос Гулсум Ҳам-роева билан ижодий суҳбатда бўлдилар.

Хонзода АКБАРОВА,  
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОВЕВ



## СУРХОНДАРЁ ТЕАТРИ ШАҶРА

хон Миродилова), болаликдан кадр-дон, ҳазилқас жўраси Аваз (артист Хайрулла Насриддинов)ларни кўндрлади. Шу жараёнда воқеалар ривожланиб, персонажларнинг характер ҳусусият-лари очилиб боради.

Азами, тўйми фарқиға бормасдан, фақат пул ишлаш пайида бўладиган Марси-ячи аёл (Ўзбекистон халқ артисти Гулно-ра Равшанова), бошқаларнинг буйруғи-ни бажариб ўрганган Маҳалла раиси (Ўзбекистонда хизмат қилган артист Чоршамби Чориев), ҳамма воқеани тад-бир деб билган Вақил (артист Марат Ша-рипов), раҳбар лавозимиди ишлаб, ўзини баландларовз тутадиган тўнғич ўғли Сул-тон Мавлонович (Ўзбекистонда хизмат қилган артист Хамид Орипов), ўзини «эур» шоир деб билган, пойтахтда аран-кун кўриб юрган ўртанча ўғли Бўстон (ар-тист Қудрат Бурхон), тижоратга бери-либ, мол-дунё илжинида юрган кичик ўғли Достон (артист Бозор Рамазонов), унинг югурдани Шурик (Раҳим Раҳматов), кизи Гулрустан (Ўзбекистонда хизмат қилган артист Мария Маҳмудова), об-разларини яратган актёрларнинг юксак ижро маҳоратлари тўғрисида саҳнада яқ-лит ансамбл вужудга келган.

Мисрға сафар давомида Ўзбекистон-нинг Миср Араб Республикасидаги эл-чихонаси ходимлари (Ўзбекистонда хизмат қилган артист Мария Маҳмудова), об-разларини яратган актёрларнинг юксак ижро маҳоратлари тўғрисида саҳнада яқ-лит ансамбл вужудга келган.

Мисрға сафар давомида Ўзбекистон-нинг Миср Араб Республикасидаги эл-чихонаси ходимлари (Ўзбекистонда хизмат қилган артист Мария Маҳмудова), об-разларини яратган актёрларнинг юксак ижро маҳоратлари тўғрисида саҳнада яқ-лит ансамбл вужудга келган.

Асар мавзуси бир қарашда оддий кўринса-да, саҳналаштируви режиссёр, театрининг бадий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов спек-такли умуминсоний муаммолар дара-жасида талқин қилишга эришган ва бу борада комедия жанридан унумли фой-даланиб, томошавийликни таъминлаган.

Асар бош қаҳрамони Уста Мавлон (Ўзбекистонда хизмат қилган артист Йўлдош Мирқурбонов) кўшни қишлоқ-даги дўсти уста Йўлдошнинг жаноза-сига биттаю битта ўғли келмаганини юрағига оғир олади. «Ногоҳон мен бан-даликини бажо келтирсам, фарзандла-рини келмай қолса, нима бўлади?» деб изтироб чекади. Уч ўғли ва бир қиз ёнида эмаслиги, уларнинг турли жо-ларда яшаш алам қилади. Бир хийла топиб, ўзини «ўлди»га чиқариб, фар-зандлари меҳр-оқибатини кузатмоқчи бўлади. Чол бу қалтис ҳазилини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун сод-дадил хотини Ойдона (артист Каноат-

Г.ФАЙЗИЕВА

СУАТДА: ўзбекистонлик ижодкорлар Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали ёнида

Эсонбой УРИНОВ

2008 йил — Ёшлар йили

АРҚОН СОЎБ УЧАР ЖУРНАЛАР

Куз... Ёз бўйи қирамадан зекиб, юзлари заъфарондек саргайган ўт-ўланлар яқинлашиб кел...

ри жилгаларга айланади. Тонги шафақ ранг берган хазонлар юзида жимир-жимир табассум...

Қафр

Бу фаслда анҳор сувининг оқиши-да ўзгача. Унинг ойнадек тиниқ кўксиди саргайган япроқлар қалқиб-қалқиб сузади...

сувнинг бу тахлит сокин оқиши кўкрагига турли нишонларни тақиб, ёшлигини хотирлаганча уйчан қадам ташлаётган ота-онани ёдга солади...




TENGDOSHLAR IJODI

ийлик хаваскорларга асрорларини содда, қизиқари мақолаларда тахлит қилишга бел болаган. Журналининг биринчи сониди буюк нидерланд рассоми Питер Брейгелнинг ижоди ҳақида сўз юритилади...

ТЕНГДОШЛАР ИЖОДИ

ни ўқишга ундаш, бу мураккаб санъатнинг сир-асрорларини содда, қизиқари мақолаларда тахлит қилишга бел болаган. Журналининг биринчи сониди буюк нидерланд рассоми Питер Брейгелнинг ижоди ҳақида сўз юритилади...



Алишер ОТАБОЕВ

Ушбу материаллар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Нобел, "Инсон ва табиат" рунқларида ҳам қизиқари мақолалар, тасаввурни чарқлаб, фикрлашга ундайдиган оригинал жумбоқли расмлар бор.

Хуллас, "Тенгдошлар ижоди" журнали ёшларбоп, содда тилда ёзилган бири-бирдан қизиқари мақолалари, ранг-баранг расмлари билан ижодкор ўғил-қизларнинг кўнглига йўл топиши тайин. Энг муҳими, журнали хаваскор ёшларнинг ўзи мақола, расм, ҳикоя, шеър, фотосуратлари билан тўлдирди...



АСТЕРОИД ЕРГА ХАВФ СОЛАДИМИ?



Астрономик ҳисоб-китобларга биноан, Апофис деб номланган астероид парвозда давом этар экан, 2029 йилнинг 13 апрелида сайёрамизга тахминан қирқ минг километр масофада яқинлашади ва ўтиб кетади...

БАҲОҚОДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТНОХИДА

Бунда туғ пойида оятдан тасқин, Қабр зияратидан тошб тасалло. Кечир деб бу ожиз бандан гуноҳин, Қўл очиб Тангрига этдим ялтиқо.

ИШИҚ СЭРАПИЯ ЧИЗМАЛАР

Муҳаббат — ичтилмаган коса тўла май, Юлдузлар кўздан тўқилган оташ. Томчилаб болдан тўйдирса тинмай, Дуах қийноғи ҳам қалбим қилмас гап.

КҲҲҲИЛ КҲҲИДАҒИ ИЛТИЖОЛАР

Сукнат шевасин сарҳадан тингладим, У суви қочган нон билан парҳез қилиб ўтирган кўҳна, сирли дошиманда ўхшайди.

ИФТИХОР ҲИССИ

Ватанимиз тарихини варақлар эканми, Бекитиб ҳайратга тушамиз, кўнглимизда ажиб ҳиссиётлар жўш уради: юртимиз азалдан буюк бир дарсхона бўлиб келган. Бу шунчаки баъландарвоз гап эмас.

Одамлар ўз ҳаёт-тасовурига бериш, дунёнинг асл суратидан бабахра ўтадилар. Дунёда қанча бебаҳо нарсаларни йўқотдим, буюшимнинг меҳрибон нигоҳларидек...

ҒАРОЙИБ ТЕАТР

Буюк Британиянинг шимолий Йоркшир графлигидаги Скарборо шаҳрида бунёд этилган дунёдаги энг катта очик театрлардан бири таъмир қилинаётган бўлди. Уз вақтида театр саҳнасида минглаб актёр рол ижро этган. Театр ҳам баргига ўн мингга яқин томошабинни сиғдира олган, деб ёздади The Times нашри.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзил: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Котибият — 233-49-93.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасонаси. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.30.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН